

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
2025 йил "23" июндаги
№180 сон буйруғига
илова __

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИLMИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**"ТЕРИ САРАТОНИ" НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА
МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛИ**

ТОШКЕНТ – 2024

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

**Республика ихтисослаштирилган
Онкология ва радиология илмий-
амалий тиббиёт маркази директори**

М. Н. Тилляшайхов



2024 йил

**"ТЕРИ САРАТОНИ" НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА
МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛ**

ТОШКЕНТ – 2024

Мундарижа

"ТЕРИ САРАТОНИ" НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА ДИАГНОСТИКА ВА ДАВОЛАШ МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛИ	5
«ТЕРИ САРАТОНИ» НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА ТИББИЙ АРАЛАШУВЛАР МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛЛАРИ	56
«ТЕРИ САРАТОНИ» НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА ПРОФИЛАКТИКА ВА РЕАБИЛИТАЦИЯ МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛЛАРИ	78
«ТЕРИ САРАТОНИ» НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА ПАЛЛИАТИВ ТИББИЙ ЁРДАМ МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛЛАРИ	101

**"ТЕРИ САРАТОНИ" НОЗОЛОГИЯСИ
БЎЙИЧА ДИАГНОСТИКА ВА ДАВОЛАШ
МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛИ**

ТОШКЕНТ – 2025

1. Кириш қисми

- Қисқача аннотация. С44 – тери саратони бўйича ушбу миллий клиник протокол далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига асосланган замонавий илмий маълумотларга мувофиқ тери саратонини назорат қилиш ва олдини олишга қаратилган ўз вақтида ва сифатли диагностика, терапевтик тактика, паллиатив ёрдамни таъминлаш учун ягона концепцияни шакллантириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Тери саратони нозологияси бўйича ушбу миллий клиник протокол Ўзбекистон Республикаси туман, вилоят ва республика соғлиқни сақлаш муассасаларининг амбулатор ва стационар шароитида тиббий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган.

- **ХКТ код (лар)и:**

ХКТ-10:	
Код	Номи
C44	– Тери бошқа хавфли ўсмалари
C44.0	– Лаб териси
C44.1	– Қовоқ териси, қовоқ ёпишмаси билан бирга
C44.2	– Қулоқ териси ва ташқи эшитиш йўли
C44.3	– Юзнинг бошқа ва аниқланмаган қисмлари териси
C44.4	– Бош ва бўйин сочли қисми териси
C44.5	– Тана териси
C44.6	– Қўл териси, елка камари соҳасини ўз ичига олган ҳолда
C44.7	– Оёқлар териси, чаноқ-сон соҳасини ўз ичига олган ҳолда
C44.8	– Терининг юқорида санаб ўтилган бир ёки бир нечта жойларидан ташқарига чиқиб кетган зарарланиши
C44.9	– Терининг аниқланмаган соҳадаги хавфли ўсмалари
Юклаб олиш (ХКТ-10 дан ҳавола): https://mkb-10.com/index.php?pid=1225	
ХКТ-11:	
Код	Номи
2E64	Тери карцинома in situ си
2C31	Тери ясси хужайрали саратони
2C31.0	Терининг керрукоз ясси хужайрали карциномаси
2C31.1	Кератоакантома

2C81.0	Жинсий олат ясси ҳужайрали саратони
2C31.Z	Тери ясси ҳужайрали саратони
2C32	Тери базал ҳужайрали карциномаси
2C32.0	Терининг тугунли базал ҳужайрали саратони
2C32.1	Терининг склерозловчи базал ҳужайрали карциномаси
2C32.2	Терининг юзаки базал ҳужайрали карциномаси
2C32.Y	Бошқа аниқлаштирилган тери базал ҳужайрали карциномаси
2C32.Z	Тери базал ҳужайрали карциномаси, аниқлаштирилмаган
2C33	Терининг аднексал карциномаси
2C34	Тери нейроэндокрин карциномаси
2C35	Тери саркомаси
2C3Y	Терининг бошқа аниқлаштирилган хавфли ўсмалари
2C3Z	Терининг номаълум ёки аниқлаштирилмаган тапдаги хавфли ўсмалари
Юклаб олиш (ХКТ-11 дан ҳавола): https://icd.who.int/browse/2025-01/mms/ru#1630407678	

- Баённомани ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш санаси:

2025-2028 йил.

- Миллий клиник протокол ва стандартларни ишлаб чиқиш учун масъул бўлган ташкилот: Республика ихтисослаштирилган Онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази.

- МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛ ВА СТАНДАРТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА ХИССА ҚЎШГАНЛАР:

- Мультидисциплинар ишчи гуруҳ аъзолари:

1. Тилляшайхов Мирзагалеб Нигматович – т.ф.д., профессор, РИОваРИАТМ директори;
2. Юсупбеков Аброрбек Ахмеджанович – т.ф.д., профессор, РИОваРИАТМ директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари;
3. Жураев Миржалол Дехканович – т.ф.д., профессор, РИОваРИАТМ абдоминал бўлими раҳбари;
4. Ибрагимов Шавкат Нарзиқулович – т.ф.д., РИОваРИАТМ радиология бўлими илмий раҳбари;

5. Нишанов Данияр Анарбаевич – т.ф.д., РИОваРИАТМ директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари;
6. Камишов Сергей Викторович – т.ф.д., РИОваРИАТМ кимё терапия бўлими илмий раҳбари;
7. Рахимов Нодир Махаматович – т.ф.д., Самарқанд шаҳар ҳудудлар аро Хосписи директори;
8. Исмаилова Муножат Ҳаётовна – к.м.н., Тошкент Тиббиёт академияси онкология кафедраси мудири.
9. Хасанов Акбар Ибрагимович – т.ф.д., РИОваРИАТМ бош бўйин ўсмалари бўлими илмий раҳбари;
10. Абдукаримов Хуршид Ганжиевич – т.ф.д. РИОваРИАТМ таянч-ҳаракат аъзолари ўсмалари бўлими илмий раҳбари;
11. Ахмедов Одилжон Мухамеджанович – т.ф.н., РИОваРИАТМ эндовизуал жарроҳлик бўлими мудири;

- Мультидисциплинар муаллифлар рўйхати, қўшимча ҳаммуаллифлар жамоаси:

1. Гофур-Охунов Мирза-Али Алиярович – т.ф.д., профессор, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий ходимлар касбий малакасини ривожлантириш марказининг “Онкология ва УТТ курси” кафедраси мудири.
2. Абдукаримов Хуршид Ганжиевич – т.ф.д., РИОваРИАТМ таянч-ҳаракат тизими ўсмалари жарроҳлиги бўлими раҳбари.
3. Давлетов Расулбек Рахимбердиевич – РИОваРИАТМ таянч-ҳаракат тизими ўсмалари жарроҳлиги бўлими мудири;
4. Садриддинов Шукурулла Азадович – РИОваРИАТМ таянч-ҳаракат тизими ўсмалари жарроҳлиги бўлими етакчи мутахассиси;

- Такризчилар:

Республикадан:

Мухамедаминов Шухрат Каримович – т.ф.д., Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий ходимлар касбий малакасини ривожлантириш марказининг “Онкология ва УТТ курси” кафедраси профессори.

Ҳориждан:

Мусаев Элмар Расимович – Москва шаҳар 62-онкология шифохонаси қошидаги суяк ва юмшоқ тўқима ўсмалари бўйича илмий-амалий марказ раҳбари, профессор, Россия Фанлар академияси муҳбир аъзоси;

- **Мультидисциплинар ишчи гуруҳ йиғилишида МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛни лойиҳасини муҳокамаси баённомасидан кўчирманинг рақами ва санаси:** ишчи гуруҳнинг 5-сонли йиғилиши 2025 йил 22 майда бўлиб ўтган.

- **Онкология тиббиёт йўналишлари кенгашлари йиғилишида AGREE усулида муҳокамадан ўтказилганлиги хулосаси ва йиғилиш баённомасидан кўчирма:** Илмий Кенгашнинг 5-сонли йиғилиши 2025 йил 23 майда бўлиб ўтган.

Миллий клиник протокол ва стандартларни техник баҳолаш бўйича эксперт хулосаси ва таҳрирлаш:

Республикадан:

Исламов Хуршид Жамшидович – т.ф.н., Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази колопроктология бўлими илмий раҳбари;

Ҳориждан:

Ким Сергей – Сеул Миллий университетининг Бунданг госпитали ташқи алоқалар департаменти профессори.

Миллий клиник протокол ва стандартларни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Эксперт гуруҳи мутахассислари томонидан ўтказилган баҳолаш бўйича эксперт хулосаси:

Мазкур клиник протокол ва стандарт Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир ўринбосари Баситханова Э.Э, Тиббий суғурта бошқармаси бошлиғи Ш. Алмарданов, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бошлиғи Ш.Р. Нуримова бошчилигида, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бош мутахассиси Г. Джумаева ва етакчи мутахассиси Н.Рахимовалар томонидан мутахассисларининг ташкилий ва услубий кўмагида ишлаб чиқилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Мувофиқлаштирилган Кенгаш йиғилиш баённомасидан кўчирма (сана, №рақам).

ҚИСҚАРТМАЛАР РЎЙХАТИ:

5-ФУ	– 5-фторурацил
АЛТ	– аланинтрансаминаза
ФПТВ	– фаол парциал (қисман) тромбопластин вақти
АСТ	– аспартаттрансаминаза;
БХР	– Базал ҳужайрали саратон
ҚЛТБ	– Қўриқчи лимфа тугуни биопсияси
в/и	– Вена ичига
т/о	– Тери остига
м/о	– Мушак орасига
ПСЯ	– Прогрессиясиз яшовчанлик
ОИВ	– Одам иммунтанқис вируси
ЖССТ	– Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти
ГР	– Грей
ДНТ	– Дистанцион нур терапия
ЕД	– Бирлик
МИТ	– Меъда ичак тракти
ҚПО	– Қорин парда орти
ИГХ	– иммуногистохимия
КТ	– Компьютер томография
ЛДГ	– лактатдегидрогиназа
НТ	– нур терапия
мг	– Миллиграмм
мл	– Миллилитр
МРТ	– Магнит-резонанс томография
МСКТ	– Мультиспирал компьютер томография
мтс	– Метастазлар
МДГ	– Мультидисциплинар гуруҳ
ЎН	– Ўсма некрози
ПКВ	– Пастки кавак вена
ҚУТ	– Қон умумий таҳлили

ПУТ	–	Пешоб умумий таҳлили
КҚА	–	Кўкрак қафаси аъзолари
ҚБА	–	Қорин бўшлиғи аъзолари
ПЭТ-КТ	–	позитрон-эмиссион компьютер томография
ТЯҲС	–	Тери ясси хужайрали саратони
т/о	–	Тери остига
РКТ	–	Рандомизацияланган клиник тадқиқотлар
БМОД	–	Бир марталик ўчоқли доза
СЎД	–	Суммар-ўчоқли доза
ЭЧТ	–	Эритроцитларни чўкиш тезлиги
ИИАБ	–	Ингичка игнали аспирацион биопсия
ИД	–	Иботланганлик даражаси
УТДГ	–	Ультра товуш доплерография
УТТ	–	Ультратовуш текширув
ХНТ	–	химио-нур терапия
ХТ	–	Химиотерапия
ЭКГ	–	Электрокардиограмма
ЭФГДС	–	Эзофагофиброгастродуоденоскопия
ЭхоКГ	–	Эхокардиография
per os	–	Перорал
RW	–	Вассерман реакцияси
TNM	–	Tumor Nodulus Metastasis (хавфли ўсмаларни босқичлашнинг халқаро таснифи)

- Мазкур нозология бўйича миллий протоколнинг фойдаланувчилари:

- Шифокор-онкологлар;
- Таянч-ҳаракат тизими онкожарроҳлари;
- Шифокор- катталар жарроҳлари;
- Дерматовенерологлар;
- Косметологлар;

- Радиотерапевтлар;
 - Кимё терапевтлар;
 - Умумий амалиёт шифокорлари;
 - Тез тиббиё ёрдам шифокорлари;
 - Соғлиқни сақлаш ташкилотчилари;
 - Шифокор-терапевтлар;
 - ОТМ талабалари, магистрлар, ординатор ва аспирантлар.
- **Мазкур нозология бўйича беморларнинг тоифаси:** (18 ёшдан) катталар.
 - **Далилларга асосланган тиббиётнинг, далиллари даражаси шкаласи:**

**1-жадвал. Далилларнинг ишончлилиқ даражаларини (ДИД) баҳолаш ўлчови
диагностика усуллари (диагностик аралашувлар) учун**

ДИД	Батавсил
1	Малумот назорати остида ўтказиладиган тадқиқотларнинг тизимли текшируви ёки рандомизацияланган клиник тадқиқотларнинг метатаҳлил ёрдамидаги тизимли текшируви
2	Маълумотларнинг усули ёки алоҳида тасодифий клиник тадқиқотлар ва ҳар қандай дизайндаги алоҳида тадқиқотлар мунтазам равишда кўриб чиқиш, метатаҳлил ёрдамида тасодифий клиник тадқиқотлар бундан мустасно
3	Маълумотнома усули билан кетма-кет назоратсиз тадқиқотлар ёки ўрганилаётган усулдан мустақил бўлмаган тадқиқотлар ёки тасодифий бўлмаган қиёсий тадқиқотлар, шу жумладан когорт тадқиқотлар
4	Таққослаб бўлмайдиган тадқиқотлар, клиник ҳолатнинг тавсифи.
5	Фақат ҳаракат механизми ёки экспертларнинг фикрини асослаш мавжуд.

2-жадвал. Профилактика, даволаш ва реабилитация (профилактика, даволаниш, реабилитация аралашувлари) учун далилларга ишонч даражасини баҳолаш ўлчови

ДИД	Батавсил
1	Метатаҳлил ёрдамида тасодифий клиник тадқиқотларни мунтазам кўриб чиқиш.
2	Алоҳида тасодифий клиник тадқиқотлар ва ҳар қандай дизайндаги тадқиқотларнинг тизимли шарҳлари, метатаҳлил ёрдамида тасодифий клиник тадқиқотлар бундан мустасно.

3	Тасодифий бўлмаган қиёсий тадқиқотлар, шу жумладан когорт тадқиқотлар
4	Таққослаб бўлмайдиган тадқиқотлар, клиник ҳодиса ёки қатор ҳодисалар тавсифи, «ҳодиса-контрол» тадқиқотлари.
5	Аралашувнинг ҳаракат механизми учун фақат асос мавжудлиги (клиникадан олдинги тадқиқотлар) ёки эксперт хулосаси.

3-жадвал. Профилактика, ташхис, даволаш ва реабилитация усуллари бўйича тавсияларнинг ишонтириш даражасини баҳолаш ўлчови (профилактика, даволаниш, реабилитация аралашувлари)

ДИД	Батавсил
А	Кучли тавсия (кўриб чиқилган барча самарадорлик мезонлар (натижалар) муҳим аҳамиятга эга, барча тадқиқотлар юқори ёки қониқарли услубий сифатга эга, уларнинг қизиқиш натижалари бўйича хулосалари келишилган).
В	Шартли тавсия (кўриб чиқилган барча самарадорлик чоралари (натижалари) муҳим эмас, ҳамма тадқиқотлар ҳам юқори ёки қониқарли услубий сифатга эга эмас ва / ёки қизиқиш натижалари бўйича уларнинг хулосалари келишилмаган).
С	Заиф тавсия (тегишли сифат далилларининг йўқлиги, кўриб чиқилган барча самарадорлик мезонлари (натижалари) муҳим эмас, барча тадқиқотлар паст услубий сифатга эга ва қизиқиш натижалари бўйича уларнинг хулосалари келишилмаган).

2. Асосий қисм.

- Кириш

Базал ҳужайрали ва ясси ҳужайрали терининг саратон касаллиги (кўпинча номеланома терининг ўсмалари деб аталади) – эпителий ҳужайраларидан келиб чиққан хавфли терининг ўсмалари ҳисобланади. Базал ҳужайрали тери саратони (синонимлари – базалиома, базал ҳужайрали карцинома) эпителийнинг базал қатлами ҳужайраларидан ривожланади, ясси ҳужайрали саратон эса тери кератиноцитларидан келиб чиқади. (<https://www.niioncologii.ru/highlights/index?id=9643>).

- Нозологиянинг умумий тавсифи (фойдаланилган манбаъга ҳавола: https://gco.iarc.fr/today/en/dataviz/pie?mode=population&group_populations=0&cancers=17)

Халқаро Саратонни Ўрганиш Агентлиги – GLOBOCAN маълумотларига кўра,

2022 йилда жами 1 234 533 та номеланома тери саратони ҳолати аниқланган ва 69 416 киши ушбу турдаги саратондан вафот этган.

Номеланома тери ўсмалари ривожланиши учун ягона этиологик омил мавжуд эмас. Спорадик (ирсий бўлмаган) шаклдаги меланомадан ташқари тери ўсмалари учун энг муҳим хавф омилларидан бири терига ультрабинафша нурланишининг таъсирidir. Бунда тери ультрабинафша таъсирига нисбатан сезувчанлик даражаси одамларда фарқ қилади ва 6 турга таснифланади, шунингдек, 1 ва 2-тур энг юқори сезувчанликка эга (шу билан бирга, кўёшда куйиш эҳтимоли катта), 5 ва 6-тур эса энг паст сезувчанликка эга ҳисобланади. (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/3377516/>). Шунингдек, туғма ёки ортирилган иммун танқислиги (масалан, аъзо трансплантациясидан сўнг ёки иммунсупрессант қабул қилиш зарур бўлган бошқа касалликларда), пигментли ксеродерма каби хавф омилларини ҳам таъкидлаш лозим. Сунъий ультрабинафша нурланиши (шу жумладан, PUVA-терапия) ва меланомадан ташқари тери ўсмалари ривожланиш хавфи ортгани ўртасида боғлиқлик аниқланган. Мишяк билан контактда бўлган шахсларда ҳам, айниқса, Боуэн касаллиги ҳолатида, ясси хужайрали саратон ривожланиш хавфи юқори бўлади. Кўп ҳолларда меланомадан ташқари тери ўсмалари мавжуд бўлган предўсма янги ҳосилалар (масалан, актиник кератоз ёки кератоакантома) фонида ривожланади, шунингдек, улар хавфли ўсмага яқин жойлашган тери участкаларида ҳам кўп учрайди. ([https://www.who.int/news-room/questions-and-answers/item/radiation-ultraviolet-\(uv\)-radiation-and-skin-cancer?gad_source=1&gclid=CjwKCAiAmMC6BhA6EiwAdN5iLYQsbiTXuhejIhlPCWP6gwLK6Z3mZP6PXwxnbu5_jQRmgyO-QWTQuBoChrUQA vD_BwE#](https://www.who.int/news-room/questions-and-answers/item/radiation-ultraviolet-(uv)-radiation-and-skin-cancer?gad_source=1&gclid=CjwKCAiAmMC6BhA6EiwAdN5iLYQsbiTXuhejIhlPCWP6gwLK6Z3mZP6PXwxnbu5_jQRmgyO-QWTQuBoChrUQA vD_BwE#)).

Шунингдек, базалиома ривожланиши мумкин бўлган бир қатор ирсий синдромлар мавжуд: невоид базалиомалар синдроми (Горлин-Гольц синдроми деб ҳам маълум), Базекс синдроми, Ромбо синдроми, бир томонлама базал хужайрали невус синдроми. (<https://oncology.lwwhealthlibrary.com/book.aspx?bookid=1172>).

Горлин-Гольц синдромида РТСН ген мутацияси аниқланади. Беморларда кўп сонли базалиомалар билан бирга, хос фенотип ҳам кузатилади: буруннинг кенг илдизи, кафтларда кўшимча бурмалар, жағларда кистоз ўзгаришлар, суяк тизими ривожланишида нуқсонлар. Базекс синдроми X-хромосома билан боғлиқ доминант усулда ирсият орқали ўтади. Кўп сонли базалиомалардан ташқари, бу синдромда атрофодермия, гипотрихоз, гипогидроз ва фолликуляр атрофия кузатилади. Ромбо синдроми аутосомал-доминант усулда ирсият орқали ўтади. Кўп сонли базалиомалардан ташқари, гипертрихоз, вермикуляр атрофодермия, трихоэпителиомалар ва периферик вазодилатация каби клиник белгилари мавжуд. Бир томонлама базал хужайрали невус синдроми билан туғилган беморларда терида комедонлар ва эпидермал кисталар билан бирга янги ҳосилалар кузатилади. Микроскопияда базал эпителийнинг пролиферацияси аниқланади. (https://books.google.co.uz/books/about/DeVita_Hellman_and_Rosenberg_s_Cancer.ht

[ml?id=yrBI5zx69X8C&redir_esc=y](#)).

Ясси хужайрали тери саратони (ЯХТС) меланомадан ташқари тери ўсмалари (МТТЎ) ичида тарқалиши бўйича иккинчи ўринда туради (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/16306523/>). Касалланиш даражаси яшаш жойининг кенгликка яқинлигига қараб кескин фарқ қилади ва ёруғ фототибли терига эга одамларда анча юқори бўлади (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/28220485/>). Шу боис, дунёда МТТЎ бўйича энг юқори касалланиш даражаси Австралияда кузатилади, у ерда 70 ёшгача ҳар иккинчи одамда шу турдаги ўсма ривожланади, энг паст кўрсаткич эса Африканинг айрим худудларида қайд этилган (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/22251204/>). Иккита ёки ундан кўп МТТЎга чалинган беморларда янги меланомадан ташқари ўсмалар пайдо бўлиш хавфи анча юқори бўлади, шунингдек, бир неча МТТЎ ҳолатлари эркакларда кўпроқ учрайди (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/28392289/>).

2023 йилда РСНПМЦОиР статистик маълумотларига кўра, Ўзбекистонда тери саратони билан касалланиш даражаси 100 минг аҳолига 2,6 ни ташкил этган. Эркаклар орасида ушбу касаллик умумий онкологик касалликлар тузилмасида 8-ўринни эгаллаб, 4% ҳолатни ташкил этган. Аёллар орасида эса 9-ўринда бўлиб, 3,2% ҳолат қайд этилган.

2023 йил давомида биринчи марта 954 нафар тери саратони бемори аниқланган, уларнинг 47,9% профилактик кўриклар чоғида фаол аниқланган. Тери саратони ташхиси морфологик тасдиқланган беморлар улуши 96,1% ни ташкил этган. Касаллик аниқланган босқичлар бўйича тақсимот: I босқичда – 22,3%, II босқичда – 55,0%, III босқичда – 13,8%, IV босқичда – 3,4%. 5,5% ҳолатда касаллик босқичи аниқланмаган.

2024 йил бошига келиб, диспансер кузатувида 8768 нафар тери саратони билан оғриган беморлар рўйхатга олинган бўлиб, касалликка чалиниш даражаси 100 минг аҳолига 23,8 ни ташкил этган. 5 йиллик яшовчанлик кўрсаткичи 51,5%, 1 йиллик леталлик эса 4,6% бўлган. 2023 йилда Ўзбекистонда 336 нафар тери саратонидан вафот этган бўлиб, ўлим кўрсаткичи 100 минг аҳолига 0,9 ни ташкил этган.

Клиник таснифи (<https://publications.iarc.fr/Book-And-Report-Series/Who-Classification-Of-Tumours/WHO-Classification-Of-Skin-Tumours-2018>)

1.1. Касаллик ва ҳолат таснифи (касаллик ва ҳолатлар гуруҳи)

Халқаро гистологик тасниф

Тери саратонининг ва кератиноцитлардан бўлган бошқа ўсмалар халқаро гистологик классификацияси (Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти – ЖССТ, 4-нашр, 2018 й.): ([https://www.who.int/news-room/questions-and-answers/item/radiation-ultraviolet-](https://www.who.int/news-room/questions-and-answers/item/radiation-ultraviolet-(uv)-radiation-and-skin-)

[\(uv\)-radiation-and-skin-](https://www.who.int/news-room/questions-and-answers/item/radiation-ultraviolet-(uv)-radiation-and-skin-)

[cancer?gad_source=1&gclid=CjwKCAiAmMC6BhA6EiwAdN5iLXR4LazWKR7x1ePw77oXRhVy1fyFfLflSYhonjF6pNQwt54pqRQkpRoCPBwQAvD_BwE#](https://www.google.com/search?q=cancer?gad_source=1&gclid=CjwKCAiAmMC6BhA6EiwAdN5iLXR4LazWKR7x1ePw77oXRhVy1fyFfLflSYhonjF6pNQwt54pqRQkpRoCPBwQAvD_BwE#)).

Номланиши	КХТ -О-3 коди
Тери саратони	
Базал ҳужайрали саратон	8090/2
Базал ҳужайрали саратон тугунли	8097/3
Базал ҳужайрали саратон юзаки	8091/3
Базал ҳужайрали саратон микротугунли	8097/3
Базал ҳужайрали саратон инфилтрацияловчи	8092/3
Базал ҳужайрали саратон склерозловчи, морфесимон	8092/3
Базал-ясси ҳужайрали саратон,метатипик	8094/3
Базал ҳужайрали саратон пигментли	8090/3
Базал ҳужайрали саратон саркоматоид дифференцировка билан	8092/3
Базал ҳужайрали саратон ортиқли дифференцировка билан	8090/3
Базал ҳужайрали саратон фиброэпителиал Пинкус	8093/3
Ясси ҳужайрали саратон	8070/3
Ясси ҳужайрали саратон кератоакантома типиди	8071/3
Ясси ҳужайрали саратон акантолитик	8075/3
Ясси ҳужайрали саратон урчуқсимон ҳужайрали	8074/3
Ясси ҳужайрали саратон веррукоз	8051/3
Ясси ҳужайрали саратон безли-ясси ҳужайрали	8560/3
Ясси ҳужайрали саратон ёруғ-ҳужайрали	8084/3
Бошқа камёб турлари	
Ясси ҳужайрали саратон саркоматоид дифференцировка билан	8074/3
Лимфоэпителиомасимон саратон	8082/3
Ясси ҳужайрали саратон псевдо томирли	8074/3
Ясси ҳужайрали саратон остеокластларга ўхшаш гигант ҳужайрали	8035/3
Ясси ҳужайрали саратон in situ, Боуэн касаллиги	8070/2
Меркель-ҳужайрали саратон	8247/3
Саратон олди ҳолатлар ва хавфсиз симуляторлар	
Саратон олди кератозлар	8070/0

Актиник кератоз	8070/0
Кератоз мышьякли	8070/0
ПУВА кератоз	
Сугаллар	
Вульгар сугаллар	
Товон сугаллари	
Ясси сугаллар	
хавфсиз акантомалар/кератозлар	
Себореяли кератоз	8052/0
Қуёш лентигоси	8052/0
темираткисимон кератоз	8052/0
Ёруғ хужайрали акантома	8084/0
Йирик хужайрали акантома	8072/0
сугалсимон дискератома	8054/0
Бошқа хавфсиз кератозлар	8052/0

TNM тизими бўйича халқаро таснифи (VIII–нашр, 2017 й.)
[\(https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC5851445/\)](https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC5851445/)

Меланомадан ташқари тери ўсмаларини босқичлаш жараёнида морфологик тасдиқлаш мажбурий ҳисобланади. Босқични аниқлаш учун лимфа тугунларининг ҳолати клиник кўрик ва инструментал тадқиқотлар ёрдамида баҳоланади.

T мезон бирламчи ўсманинг тарқалиш даражасини акс эттиради [*]:

- pTX – бирламчи ўсмани баҳолаш учун маълумот етарли эмас;
- T0 – бирламчи ўсма мавжуд эмас;
- Tis – Карцинома in situ;
- T1 – ўсма энг катта ўлчами бўйича 2 см ёки ундан кам;
- T2 – ўсма энг катта ўлчами бўйича 2 см дан катта;
- T3 – ҳар қандай ўлчамдаги ўсма, қуйидаги тузилмаларга ўсиб кириши билан (масалан, мушак, суяк, хрящ, жағ ва бошқалар);
- T4 – ҳар қандай ўлчамдаги ўсма, периневрал инвазия ёки қўшни тузилмаларга, масалан, бош суягининг асосий суяқларига ёки ўқ скелетига тўғридан-тўғри ўсиб кириши билан.

Изоҳ: агар бирламчи-кўплаб синхрон ўсмалар мавжуд бўлса, таснифлаш энг

катта ўлчамга эга ўсма бўйича амалга оширилади, шунингдек, қавс ичида жами тери ўсмалари сони кўрсатилади, масалан: T2 (5).

N мезони регионар лимфа тугунларида метастазларнинг мавжудлиги ёки йўқлигини кўрсатади [6].

Регионар лимфа тугунлари деб асосан тананинг бир томонида (чап ёки ўнг) жойлашган ўсмалар учун қуйидаги лимфа тугунлари ҳисобланади:

- Бош ва бўйин: ипсилатерал (ўсма томонидаги) қулоқ олди, пастки жағ, бўйин ва ўмров усти лимфа тугунлари;
- Кўкрак девори: ипсилатерал қўлтиқ ости лимфа тугунлари;
- Қўллар: ипсилатерал тирсак ва қўлтиқ ости лимфа тугунлари;
- Қорин, бел ва думбалар: ипсилатерал чов лимфа тугунлари;
- Оёқлар: ипсилатерал тизза орти ва чов лимфа тугунлари;
- Анус четлари ва перианал соҳанинг тери қисми: ипсилатерал чов лимфа тугунлари.

Агар ўсма чегаравий зоналарда жойлашган бўлса, икки томонлама лимфа тугунлари ҳам регионар ҳисобланади [6]. 4-жадвалда 4 см кенгликдаги чегаравий зоналарни аниқлаш учун анатомик ориентирлар келтирилган.

4-жадвал. Регионар лимфа бассейнларини аниқлаш учун чегаравий зоналарнинг анатомик ориентирлари

Соҳалар	Чегара линияси (4 см кенгликда)
Чап ва ўнг ярим	Тананинг ўрта чизиғи
Бош ва бўйин/кўкрак қафаси	Ўмров – акромион – елканинг юқори чеккаси
Кўкрак девори / йўллар	Елка – қўлтиқ ости чуқурчаси - елка
Кўкрак девори / қорин, бел ёки думба	Олдиндан: киндик ва қовурға равоғи орасидаги масофа ўртаси; Орқадан: кўкрак умуртқаси пастки чегараси (кўндаланг ўсиқ)
Қорин, бели ёки думба / оёқлар	Чов бурмаси – Катта юмалоқ суяк (катта трохантер) – думба чуқурчаси

Агар метастазлар юқорида кўрсатилган регионар соҳалардан ташқаридаги лимфа тугунларида аниқланса, улар узок метастазлар сифатида таснифланиши лозим (<https://www.wiley.com/en-us/TNM+Classification+of+Malignant+Tumours%2C+8th+Edition-p-9781119263579>).

- NX – регионар лимфа тугунларини баҳолаш учун маълумот етарли эмас.
- N0 – регионар лимфа тугунлари зарарланмаган.
- N1 – бир дона регионар лимфа тугунида метастаз, энг катта ўлчами 3 см ёки ундан кам.
- N2 – бир дона регионар лимфа тугунида метастаз, энг катта ўлчами 3 см дан катта, лекин 6 см дан ошмаган; ёки бир неча регионар лимфа тугунларида метастазлар, ҳар бирининг энг катта ўлчами 6 см дан ошмаган [†].
- N3 – бир ёки бир неча регионар лимфа тугунларида метастазлар, энг катта ўлчами 6 см дан катта.

М мезони узок метастазлар бор ёки йўқлигини билдиради

(<https://www.wiley.com/en-us/TNM+Classification+of+Malignant+Tumours%2C+8th+Edition-p-9781119263579>):

- M0 – узок метастазлар йўқ;
- M1 – узок метастазлар бор.

G мезони ўсманинг дифференциация даражасини билдиради

(<https://www.wiley.com/en-us/TNM+Classification+of+Malignant+Tumours%2C+8th+Edition-p-9781119263579>):

- GX – дифференциация даражасини аниқлаш имконсиз;
- G1 – юқори дифференциаллашган ўсма;
- G2 – ўрта дифференциаллашган ўсма;
- G3 – паст дифференциаллашган ўсма;
- G4 – дифференциаллашмаган ўсма.

Айрим ёмон прогноз омиллари 5-жадвалда жамланган. AJCC таснифига кўра, бундай омилларнинг мавжудлиги касаллик босқичини I дан II га ошириши мумкин. (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/19917835/>).

5-жадвал. Тери саратонининг ноқулай прогноз омиллари

(<https://www.wiley.com/en-us/TNM+Classification+of+Malignant+Tumours%2C+8th+Edition-p-9781119263579>)

Микроструктураларга шикастланиш/инвазия чуқурлиги	Бреслоу бўйича ўсма қалинлиги 4 мм дан ортиқ
	Кларк бўйича инвазия даражаси 4
	Периневрал инвазия
	Ангиолимфатик инвазия
Анатомик локализация	Бирламчи локализация – кулоқ супрасида
	Бирламчи локализация – лабнинг қизил чизиғида
Дифференцировка	Паст дифференцияланган ёки дифференцияланмаган ўсма

Босқичлар бўйича гуруҳлаш 6-жадвалда келтирилган:

6-жадвал. Тери номеланом ўсмаларининг босқичлар бўйича гуруҳлаш (<https://www.wiley.com/en-us/TNM+Classification+of+Malignant+Tumours%2C+8th+Edition-p-9781119263579>)

Босқич	pT	N	M
0	is	0	0
I	1	0	0
II	2	0	0
III	3	0	0
	1,2,3	1	0
IV	4	0	0
	1,2,3	2,3	0
	Ҳар қандай	Ҳар қандай	1

Қовуқ териси саратонини (C44.1) UICC TNM бўйича босқичлаш (8-нашр, 2018)

Кўз қовуқ тери саратонини босқичлаш жараёнида гистологик тасдиқлаш мажбурий ҳисобланади. Босқични аниқлаш учун лимфа тугунларининг ҳолати клиник кўрик ва инструментал тадқиқотлар ёрдамида баҳоланади.

T мезони бирламчи ўсманинг тарқалиш даражасини акс эттиради:

- TX – бирламчи ўсмани баҳолаш учун маълумот етарли эмас (шу жумладан,

ўз-ўзидан регрессия ҳолатлари ёки хирургик олиб ташлашдаги хатолар);

- T0 – бирламчи ўсма мавжуд эмас;
- Tis – Карцинома in situ;
- T1 – ўсма 5 мм ёки ундан кам, хрящ пластинаси ёки кўз қовоқ четига ўтмаган;
- T2a – ўсма 5 мм дан катта, лекин 10 мм дан ошмаган, ёки ҳар қандай ўлчамдаги ўсма, хрящ пластинаси ёки кўз қовоқ четига ўсиб кирган;
- T2b – ўсма 10 мм дан катта, лекин 20 мм дан ошмаган, ёки ҳар қандай ўлчамдаги ўсма, қовоқ тўқималарини тўлиқ қамраб олган;
- T3a – ўсма 20 мм дан катта, ёки ҳар қандай ўлчамдаги ўсма, кўз ёки кўз чуқурига ёндош тузилмаларга ўсиб кирган, ёки ҳар қандай ўлчамдаги ўсма, периневрал инвазияга эга;
- T3b – ўсма, уни тўлиқ олиб ташлаш учун кўз энуклеацияси, орбита экзентерацияси ёки суяк резекцияси талаб қилинади;
- T4 – ўсма жуда кенг тарқалган, кўз, кўз чуқури, юз суяклари ёки бош мия тузилмаларига сезиларли даражада шикаст етказган, резекция қилиш имконияти йўқ.

N мезони метастазларнинг регионар лимфа тугунларида мавжудлиги ёки йўқлигини акс эттиради:

- NX – регионар лимфа тугунларини баҳолаш учун маълумот етарли эмас;
- N0 – регионар лимфа тугунларида метастазлар мавжуд эмас;
- N1 – регионар лимфа тугунларида метастазлар мавжуд.

M мезони узоқ метастазлар мавжудлиги ёки йўқлигини акс эттиради:

- M0 – узоқ метастазлар мавжуд эмас;
- M1 – узоқ метастазлар мавжуд.

7-жадвалда қовоқ териси саратонини босқичлар бўйича гуруҳлаш келтирилган

7-жадвал. қовоқ териси саратонини босқичлар бўйича гуруҳлаш

Босқич	T	N	M
0	Is	0	0
IA	1	0	0
IB	2a	0	0

IС	2b	0	0
II	3a	0	0
IIIА	3b	0	0
IIIВ	Ҳар қандай Т	1	0
IIIС	4	Ҳар қандай N	0
IV	Ҳар қандай Т	Ҳар қандай N	1

3. Текширув усуллари, услублари, тиббий муолажалар ёндашувлари ва ташхислаш жараёнлари.

3.1. Ташхислаш мезонлари:

Шикоятлари ва анамнез:

Тери базал ҳужайрали саратони:

Юзаги шакли чекланган, қипиқланувчи, қизғиш доғ пайдо бўлиши билан бошланади. Кейинчалик доғ аниқ чегараларга эга бўлиб, ўчоқнинг четларида майда, зич, ялтирақ тугунчалар пайдо бўлади. Бу тугунчалар бирлашиб, тери сатҳидан баландроқ бўлган валиксимон чегара ҳосил қилади. Оғриқ ўчоқлари ягона ёки кўп сонли бўлиши мумкин. Юзаги шакллари ичида ўз-ўзидан чантиқланувчи ёки Педжетоид базалиома ажратилади.

Пигментли шакл кўнғир ёки қора-жигарранг тусли, бир хил бўлмаган пигментацияга эга бўлиб, унда ярим шаффоф, "перламутрсимон" участкалар ва юзаги телеангиэктазиялар кузатилади. Ушбу шакл тугун ёки бляшка кўринишида бўлиб, меланоцитар невуслар (мураккаб ёки дерма ичидаги невуслар)га ўхшаши мумкин. Тугунли меланома ҳам клиник жиҳатдан базалиомани эслатиши мумкин, лекин базалиома зичроқ консистенцияга эга. Яраланиб кетган пигментли базалиома эса меланома билан адаштирилиши мумкин, шунинг учун морфологик тадқиқотлар аниқ ташхис қўйишда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, базалиома асосан юзда жойлашган бўлса, меланома теридаги исталган жойда пайдо бўлиши мумкин.

Ўсма шакли тугунчадан бошланади, у асталик билан катталашиб боради. Ўсманинг сатҳи силлик, телеангиэктазиялар аниқ кўринади, баъзан кулранг пушти пўст билан қопланган бўлиши мумкин. Баъзида марказий қисми яраланиб, зич қобиқлар билан қопланади. Ўлчамига қараб, майда ва йирик тугунли базалиома шакллари ажратилади.

Ярали шакл учун воронкасимон яра ва атрофда зич, қуйидаги тўқималар билан спайка ҳосил қилган инфилтрат хос бўлиб, унинг чегаралари аниқ эмас ва жараҳат ўлчамидан каттароқ бўлади.

Склеродермасимон (чандик-атрофик) шакл аниқ чегараланган, кичик ўчоқ

билан характерланади. Бу шакл инфилтратив ўсиш ва бўлакчи тўқима (строма) ривожланиши билан тавсифланади. Секин ўсади. Оғриқ ўчоғи оқарган, склерозланган тери участкаларидан иборат бўлиб, атрофида “перламутрсимон” папулалар, марказида эса телеангиэктазиялар кузатилади.

Пинкус фиброэпителиал ўсмаси базалиома турларидан бири ҳисобланади-да, анча хавфсизроқ кечади. Клиник жиҳатдан тери рангидаги узел ёки бляшка кўринишида бўлиб, зич-эластик консистенцияга эга, эрозияга деярли учрамайди. Катта теридан чиқиб турган ўсма ёки фибромани эслатиши мумкин. секин ўсади, асосан бел ва қориннинг пастки қисмида жойлашади.

Ясси ҳужайрали тери саратони:

Юзаки шакли – тери саратонининг энг кўп учрайдиган варианты. У бир ёки бир неча бирлашувчи, оғриқсиз тугунлар билан бошланади, уларнинг ўлчами ўт гугурт бошчасига тенг ёки бироз каттароқ бўлади. Тугун тери сатҳидан бироз баланд, зич консистенцияли, сарғиш ёки оппоқ-мампарранг тусда бўлади. Вақт ўтиши билан ўсма катталашиб, оғриқсиз, сарғиш ёки кулранг-оқ бляшка кўринишига эга бўлади, теридан бироз баланд, силлиқ ёки нотекис юзали бўлади. Четлари нотекис, чуқурликлари бор, зич валиксимон тузилишга эга. Кейинчалик бляшканинг марказий қисми чўкиб, тангача ёки қобиқ билан қопланган жараён ривожланади. Қобиқ олиб ташланса, қон томчиси пайдо бўлади. Ўсманинг катталашishi билан чўкиш жараёни эрозияланган юзага айланади, зич ва нотекис четлар эса баланд, текис кесилган валиксимон тузилма ҳосил қилади.

Инфилтратив шакли чуқур яраниб кетган, нотекис, думалоқ, некроз массалари билан қопланган тубига эга ва зич валиксимон четлардан ташкил топган. Ўсма тезда атроф тўқималарга ўтган ҳолда ўсади ва ҳаракатсиз бўлиб қолади. Гистологик жиҳатдан бу шакл кўпинча ясси ҳужайрали саратон сифатида таснифланади. Папилляр шакли кам учрайди. Зич, тери сатҳидан баланд, осон қон кетадиган, кенг асосда жойлашган тугун кўринишида бўлади. Юзаси ноҳамвор, қобиқлар билан қопланган, кўпинча гулкарамсимон тузилишга ўхшаш.

Метатипик саратон одатда ярали ўсма ўчоғи кўринишида бўлиб, 95% ҳолатда 1-3 см диаметрида бўлади. Яра нотекис шаклда, четлари нотекис, букилиб ёки тагидан юлиб тушгандек кўринади. Яра туби нотекис, ёрқин қизил юзага эга бўлиб, некротик массалар билан қопланган.

Физикал кўрик:

• Бемор биринчи марта тери янги ҳосиласи бўйича шикоят билан мурожаат қилганда, кўрик зонасини кенгайтириш ва барча тери қопламларининг ҳолатини баҳолаш (шу жумладан, сочли бош қисми ва оёқ тагини) қатъий тавсия этилади [24] (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/34902824/>).

Тавсияларнинг ишончлилиқ даражаси - В (далилларнинг ишончлилиқ даражаси - IIА)

Изоҳлар: *Бирламчи-кўп сонли синхрон тери ўсмалари ва тери ўсма олди касалликлари беморларнинг 5-10% ида аниқланиши мумкин. Шунингдек, немеланома тери ўсмалари билан касалланган беморларда тери меланомаси ривожланиш хавфи юқори бўлади. [24].*

- Эпилюминисцент микроскопия (дерматоскопия) ва оптик когерент томографиядан фойдаланиш тавсия этилади, чунки бу усуллар ноинвазив ташҳис қўйиш аниқлигини сезиларли даражада ошириши ва биопсияга бўлган эҳтиёжни камайтириши мумкин. Бироқ, бу усуллар фақат ушбу методика бўйича махсус ўқитилган мутахассислар томонидан қўлланилиши мумкин. [25] (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/26734867/>).

Тавсияларнинг ишончлилиқ даражаси - В (далилларнинг ишончлилиқ даражаси - IIб)

- Регионар лимфа тугунлар ҳолатини баҳолаш тавсия этилади [24].

Тавсияларнинг ишончлилиқ даражаси - В (далилларнинг ишончлилиқ даражаси - IIб)

- Қабул жараёнида шикоятлар, анамнез ва физик текширув натижалари таҳлилига асосланиб, янги ҳосиланинг инвазив ташҳиси (биопсия) мақсадга мувофиқлигини аниқлаш тавсия этилади. [26] (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/27160235/>).

Тавсияларнинг ишончлилиқ даражаси - А (далилларнинг ишончлилиқ даражаси - Ia)

Лаборатор текширувлар:

- Морфологик тасдиқдан олдин лаборатор ташҳис тавсия этилмайди, фақат интеркуррент патология ёки беморнинг умумий ҳолати биопсиянинг хавфсиз ўтказилишини таъминлаш учун зарур бўлган ҳоллар бундан мустасно. Ташҳис тасдиқланганидан сўнг қуйидаги текширувларни ўтказиш тавсия этилади: Клиник қон таҳлили, биохимик қон таҳлили (Шунингдек, Жадвал 7 га қаранг). [26] (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/27160235/>).

Тавсияларнинг ишончлилиқ даражаси - В (далилларнинг ишончлилиқ даражаси - III)

Инструменталь текширувлар:

Агар тегишли кўрсатмалар (симптомлар) мавжуд бўлса, ташҳис чоратадбирлари (шу жумладан, нур ташҳиси) касаллик босқичидан қатъи назар тўлиқ

ҳажмда ўтказилиши лозим. Агар симптомлар мавжуд бўлмаса, Базал ҳужайрали саратон (БҲС)нинг регионар ва узоқ метастазлар бериш эҳтимоли пастлиги, шунингдек, ясси ҳужайрали саратон (ЯҲС)да регионар метастазлар учраш эҳтимоли бироз юқорироқ эканлиги инобатга олиниб, яширин метастазларни аниқлаш мақсадида ташҳис тестлари турли ҳажмда ўтказилиши тавсия этилади. Бу ҳажм касаллик босқичи (клиник кўрик ва гистологик хулоса асосида белгиланган) га боғлиқ ҳолда танланади.

Биопсия натижаларига асосланиб, тери саратони ташҳиси тасдиқланган ҳолларда тавсия этилган ташҳис чора-тадбирлари 8-жадвалда келтирилган. [24, 26]

(<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/34902824/>).

8-жадвал. Тери ўсмаси биопсияси натижалари ва клиник кўриқка асосан текширув режаси

Касаллик босқичи	Физикал кўрик	Инструментал текширувлар
0, I, II	Ҳа	<ul style="list-style-type: none"> • Регионар лимфа тугунлар УТТси • Нур диагностика тавсия этилмайди, агар симптомлар бўлмаса
III ва IV	Ҳа	<ul style="list-style-type: none"> • Регионар лимфа тугунлар УТТси • Тўла кўламда нур диагностика

• Морфологик тасдиқдан олдин инструментал ташҳис тавсия этилмайди, фақат интеркуррент патология ёки беморнинг умумий ҳолати биопсияни хавфсиз ўтказиш учун зарур бўлган ҳоллар бундан мустасно. [24, 26].

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси – С (далилларнинг ишончлилик даражаси - IV)

Изоҳ: Биопсия натижалари олинмагунча даволаш ва текширув режасини тузиш тавсия этилмайди.

• Кўкрак қафаси, қорин бўшлиғи ва кичик чанок аъзолари ҳолатини баҳолаш учун тавсия этилган оптимал нур ташҳис ҳажми – кўкрак қафаси, қорин бўшлиғи ва кичик чанок аъзоларининг компьютер томографиясидир (КТ). Венадан контраст модда юбориш барча ҳолларда тавсия этилади, фақат йод сақловчи контраст моддалар юборишга қарши кўрсатмалар мавжуд бўлмаган тақдирда. Агар бундай қарши кўрсатмалар аниқланса, вена ичида контрастлаш билан КТ ўрнига магнит-резонанс томография (МРТ) қўллаш мумкин. Ўпкаларда метастатик зарарланишни истисно этиш ёки унинг динамикасини баҳолаш учун вена ичида контрастлаш талаб қилинмайди. Алтернатив ташҳис усули – ФДГ билан ПЭТ-КТ (бутун тана режимида) бўлиши мумкин. [27] (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/30959471/>).

Тавсияларнинг ишончлилиқ даражаси - В (далилларнинг ишончлилиқ даражаси - IIa)

- Агар оптимал нур ташҳиси ташҳис қўйилгандан кейинги 2 ҳафта ичида ўтказиб бўлмаса, қуйидаги альтернатив усуллар тавсия этилади: Кўкрак қафаси аъзоларининг КТ ўрнига – кўкрак қафаси рентгенографияси, қорин ва кичик чанок аъзоларининг КТ (вена ичи контраст билан) ўрнига – УТТ (ультратовуш текшируви)

Тавсияларнинг ишончлилиқ даражаси - С (далилларнинг ишончлилиқ даражаси - IV)

- Катта бирламчи ўсмалар, сўяк тўқималарининг зарарланиши ёки периневрал инвазия белгилари мавжуд бўлганда, ўсма тарқалишини баҳолаш учун магнит-резонанс томография (МРТ) тавсия этилади, ва КТга нисбатан афзалроқ усул ҳисобланади. [24].

Тавсияларнинг ишончлилиқ даражаси - В (далилларнинг ишончлилиқ даражаси - IIa)

- Агар КТ ёки МРТ маълумотларига асосан метастазларга шубҳа пайдо бўлса, ва уларнинг тасдиқланиши даволаш тактикасига жиддий таъсир кўрсатса, УТТ ёки КТ назорати остида биопсия ўтказиш тавсия этилади.

Тавсияларнинг ишончлилиқ даражаси - С (далилларнинг ишончлилиқ даражаси - IV)

Биопсия

- Ташҳисни тасдиқлаш, шунингдек, кейинги текширув ва даволаш режасини белгилаш учун биринчи босқичда шубҳали тери ўсмасини эксцизион биопсия қилиш мумкин. Бунда четга чекиниш 5 мм дан ошмаслиги керак (1-3 мм (0,1 – 0,3 см) чекиниш қабул қилиниши мумкин). Ҳар доим тери тўқимасининг тўлиқ қалинлигини қамраб олувчи биопсияга афзаллик бериш лозим, масалан: эллиптик эксцизия, инцизион панч-биопсия. Бу усуллар ясси (бритвали) резекцияга нисбатан мақбулроқ ҳисобланади, шу жумладан, экзофит ўсмалар учун ҳам. [24, 26] (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/34902824/>).

Тавсияларнинг ишончлилиқ даражаси - В (далилларнинг ишончлилиқ даражаси - IIa)

- Хирургик йўл билан олиб ташланган ўсма тўқимасининг гистологик текшируви тавсия этилади, ва морфологик хулосада қуйидаги параметрларни акс эттириш лозим [24, 26]:

1. Тери саратонининг гистологик турини ЖССТ (ВОЗ) 2018 йилги халқаро тери ўсмалари таснифига мувофиқ аниқлаш;

2. Дифференцияланиш даражасини кўрсатиш;

3. Бреслоу бўйича ўсма максимал қалинлигини (мм) аниқлаш;
4. Кларк бўйича инвазия даражасини белгилаш;
5. Ўсма тугунининг радиал ва вертикал ўлчамларини кўрсатиш;
6. Резекциянинг периферик ва чуқур чегараларини баҳолаш ва уларда ўсма хужайраларининг мавжудлигини аниқлаш.
7. Периневрал инвазия;
8. Десмоплазия;
9. Ангиолимфатик инвазия.

Тавсияларнинг ишончлилиқ даражаси - А (далилларнинг ишончлилиқ даражаси – Ia)

- Муолажа ва аралашувга тайёрлашда асосий текшириш усуллари

1. ҚУТ лейкоформула ва тромбоцитлар миқдорини ҳисоблаш билан;
2. Қон биокимёвий таҳлёки (натрий, калий, кальций, глюкоза, мочевина, креатинин, пешоб кислотаси, умумий оқсил, альбумин, умумий билирубин, бевосита билирубин, ЛДГ, АСТ, АЛТ, СРБ, ишқорий фосфотаза);
3. АВО тизими бўйича қон тугухини аниқлаш;
4. Резус-факторни аниқлаш;
5. Пешоб умумий таҳлили;
6. Коагулограмма (АЧТВ, ПВ, МНО, ПТИ, фибриноген);
7. ИФА ёки ИХЛ усулида вирусли гепатит Б ва С маркерларини аниқлаш
8. В ва С вирусли гепатитлари учун ПЗР (сифатли)
9. ИФА усулида ОИВ-инфекцияни аниқлаш (HIVAg/anti-HIV);
10. Заҳмга серологик реакциялар мажмуаси;
11. Комплекс ультратовуш диагностикаси (жигар, ўт пуфаги, меъда ости беzi, талок, буйраклар, қорин парда орти ва периферик лимфа тугунлари);
12. Заруррат бўлганда ўсма ва метастаз соҳасини МСКТ ва/ёки МРТси;
13. Кўкрак қафаси рентген текшируви (скопия, графия);
14. Микропреципитация реакцияси
15. Тери ўсмасидан биопсия.
16. Ўсмани суякка тарқалганига гумон бўлган тақдирда суяклар КТси.
17. Регионар лимфа тугунларига метастазга гумон бўлган тақдирда УТТ назоратида Ингичка игнали аспирацион биопсия.

- 18.Биоптатни цитологик текшируви (ҳосилани, лимфа тугунини) *;
- 19.Биоптатни гистологик текшириш (ҳосилани, лимфа тугунини) *
- 20.ЭКГ;
- 21.ЭхоКГ;

- Муолажа ва аралашувга тайёрлашда қўшимча текшириш усуллари:

1. ПЗР усулида Эбштейн-Барр вируси, 1-2 тип герпес, цитомэгаловирус, токсоплазмоз;
2. В ва С гепатит вирусларига ПЗР (миқдорий);
3. COVID-19 ги ПЗР;
4. Қонни кислота ишқорий ҳолати (КИХ) ва газларга аниқлаш;
5. Бевосита ва билвосита Кумбс реакцияси;
6. Стандарт цитогенети текшириш;
7. FISH усулида текширув ва молекуляр-генетик текширув;
8. Ферритин, фолатлар, зардоб темири, Витамин В12ни аниқлаш;
9. ProBNP
- 10.Прокальцитонин
- 11.Антитромбин III, Д-димер
- 12.Фертил ёшидаги аёлларда – ҳомиладорликка тест, ХГЧни аниқлаш;
- 13.Периферик қон ИФТси;
- 14.Биоптатни иммуногистокимёвий текшириш (ҳосилани, лимфа тугунини)*
- 15.Иммунотерапия имкониятларини аниқлаш мақсадида микросателлит ностабилликни молекуляр-генетик текшируви;
- 16.Бурун ёндош бўшлиқлари рентгенографияси;
- 17.Скелет суякларини радиоизотоп сканирлаш;
- 18.Бош ва бўйин, кўкрак қафаси, қорин бўшлиғи, қорин парда орти, кичик чанок МСКТси;
- 19.Бош мия МРТси;
- 20.Фиброэзофагогастродуоденоскопия;
- 21.Бронхоскопия;
- 22.Колоноскопия;
- 23.Оёқлар томирлари (вена ва/ёки артериялар) УЗДГси;

24. Спирография;

25. Холтер – мониторинг билан ЭКГ

26. Бутун тана ПЭТ/КТси**;


* Агар аввал ўтказилмаган бўлса.

** Касалликнинг бошланишида ва қайта босқичлаш пайтида бажариш керак.

- Мутахассисларнинг консултатив кўруви учун кўрсатмалар:

- **Кардиолог кўриги** (50 ёш ва ундан катта беморларда, шунингдек, ЮҚТ да патологияси бўлган 50 ёшдан кичик беморлар);
- **Гинеколог кўриги** (кичик чанок аъзоларида ҳажмли ҳосила белгилари бўлган аёлларда, оилавий, биргаликда келувчи саратон турларини истисно қилиш мақсадида);
- Меъда ости беши саратонини даволаш бошланишидан олдин **акушер-гинеколог/репродуктологнинг маслаҳати** зарур, агар бемор келажакда фарзанд кўришни хоҳласа, ёрдамчи репродуктив технологияларнинг мумкин бўлган вариантларини муҳокама қилиш, шунингдек, туғиш ёшидаги беморларда ўсмага қарши дори терапияси даврида, яқин келажакда ва ундан кейин исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш учун ишончли контрацептив воситалардан фойдаланиш масаласида [5];
- **невропатолог кўриги** (қон томир мия касалликларида, шу жумладан инсульт, мия шикастланиши, эпилепсия, миастения, нейроинфекцион касалликлар, шунингдек, онгни йўқотишнинг барча ҳолатларида);
- **эндокринолог кўриги** (эндокрин аъзолари томонидан ҳамроҳ касалликлари бўлган тақдирда);
- **қон-томир жарроҳи кўриги** (варикоз касаллик, туғма/ортирилган томирлар патология мавжуд бўлган ҳолларда);
- **пульмонолог кўриги** (ўпка паренхимасида қолдиқ патологиялар мавжуд бўлганда, бактериал / вирусли / ноаниқ генезли яллиғланиш жараёнидан кейин).
- ҳамроҳ патологиялар мавжуд бўлганда, **бошқа мутахассислар кўриклари**: фтизиатр (анамнездаги сил касаллиги бўлса), юқумли касалликлар бўйича мутахассис (сурункали гепатит бўлса) ва бошқалар.
- **нефролог кўриги** (буйрак патологияси, гиперпаратиреоз мавжуд бўлганда).
- **фтизиатр кўриги** – агар ўпканинг сил касаллигига шубҳа қилинган бўлса ва периферик шаклланишлар мавжуд бўлса.

Диагностик алгоритм (схема).



3.3 Дифференциал диагностика.

(<https://oncology-association.ru/wp-content/uploads/2020/09/rak-kozhi-bazalnokletochnyj-i-ploskokletochnyj.pdf>)

Тери саратонини дифференциал диагностикаси:

Ташҳис	Дифференциал диагностикани асослаш	Текширув	Ташҳисни истисно мезони
--------	------------------------------------	----------	-------------------------

Боуэн касаллиги	Юзаги базалиома сингари йирик бляшка кўринишида бўлиши мумкин	Локал кўрик, Цитологик ва гистологик текширув	Бляшка – ясси, ноаниқ чегараларга эга, чет зонасида тугунчалар мавжуд эмас. Кўпроқ тана, кўллар ва оралик соҳада жойлашади. Ташҳис гистологик текширувдан сўнг қўйилади.
Кератоакантома	Куполсимон тузилиш, марказида кичик чуқурлик мавжуд. Чуқурликнинг четлари аниқ, марказий қисми кратерсимон чўкиш ("псевдояра") ҳосил қилади, у зич ёки юмшоқ, кулранг-жигарранг массалар билан тўлган, қон кетмайди. Тугунчалар одатда қизғиш, кулранг ёки кўксимон тусга эга, баъзан тери рангида бўлиши мумкин.	Локал кўрик Цитологик ва гистологик текширув	Гистологик жиҳатдан саратондан фарқлаш қийин бўлиши мумкин Тез ўсиш Стабилизация фазасининг мавжудлиги Шох тўқималари оғриксиз, қон кетмайди
Склеродермия	Чегараланган шакли склеродерма симон базалиомага ўхшайди	Локал кўрик	Зич бляшкалар каттароқ, восксимон ёки пушти-лилия рангида, аниқ чегараларга эга ва периферияда димланган эритема зонаси билан ўралган.

Қизил бӯрича	Агар ягона зарарланиш ўчоғи мавжуд бўлса, ташқи кўриниши юзаки базалиома шаклига ўхшаш бўлиши мумкин.	Локал кўрик	Камдан-кам ҳолларда узоқ вақт давомида фақат битта ўчоқ сақланади, периферик эритема зонаси ва фолликуляр гиперкератоз мавжуд бўлади.
мураккаб, интрадермал невуслар	Агар базалиома пигментли бўлса, ўлчамлари 1 смгача	Локал кўрик, дерматоскопия	Пубертант ёшда ёки ўсмирликда пайдо бўлади
Тугунли меланома	Яраниб кетган пигментли базалиома осонлик билан меланома деб қабул қилиниши мумкин.		Тери қопламларининг ҳар қандай соҳасида жойлашиши мумкин. Ташҳис гистологик текширувдан сўнг қўйилади.
Терининг хавфсиз лимфоплазияси	Тугунли базалиома сингари юмалоқ шаклга эга бўлиб, асосан юзда жойлашади.		Хамирсимон консистенцияга эга ва кўксимон-пушти тусли, кўнғир ранг аралашган.
Дерматофибром а	Тугунли базалиома сингари 3 см дан катта бўлиши, силлиқ ва ғадир-будир юзага эга бўлиши мумкин, вақт ўтиши билан яраниши ва секин ўсиши мумкин.	Локал кўрик Цитологик ва гистологик текширув	Гистологик текширув зарур
Ясси хужайрали саратон	Ярали шаклдаги базалиома инвазив-деструктив ўсишга эга бўлиб, қуйидаги тўқималар ва суякларга ўтиши мумкин.		Яра ўлчами ўсма чегарасига мос келади, ажралма модда кўланса ҳидли бўлади, метастазлар пайдо бўлиши мумкин.

4. АМБУЛАТОРИЯ ДАРАЖАСИДА ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИ:

4.1 Номедикаментоз даво (режим, диета ва бошқ. нур);

Режим умумий, стол 15

4.2. Медикаментоз даво:

1) Амбулатор даражада хирургик аралашув

- Хирургик даволаш – ўсманинг маҳаллий анестезия остида кесиб олиниши ва гистологик текширув;
- Криотерапия;
- Радикал дастур бўйича нур терапияси (бир марталик ва умумий дозалар ўсманинг жойлашуви, ўлчами, шикастланиш чуқурлиги ва цитологик ёки морфологик тасдиққа қараб танланади).
- Яқин фокусли рентгенотерапия
- Чизикли тезлаткичларда масофавий нур терапияси

2) Кейинги кузатув ва даволаш

Жарроҳлик давосидан сўнг: ҳар кунлик боғлам алмаштириш, антибиотикотерапия

5. Тиббий ёрдам кўрсатиш туридан келиб чиқиб шифохонага ётқизиш учун кўрсатмалари:

1) Режали ёрдам кўрсатиш шифохонасига ётқизиш учун кўрсатмалар:


Тери сатҳида қуйидагиларнинг мавжудлиги: Ягона ёки кўп сонли, оғриқли ёки оғриқсиз ўсмасимон тузилмалар, ғадир-будир бляшкалар, кратерсимон ярали дефектлар, контактда қон кетиши, периферик лимфа тугунларининг катталаниши, маҳаллий оғриқлар.

2) Шошинч ёрдам кўрсатиш шифохонасига ётқизиш учун кўрсатмалар:

- ушба касаллик учун шошинч госпитализация учун кўрсатмалар йўқ

6. Стационар даражасида даволаш тактикаси:

6.1. Беморни кузатиш картаси, беморни маршрутизацияси (схемалар, алгоритмлар):



6.2 Номедикаментоз даво:

Консерватив даволаш вақтида бемор режими – умумий.

Операциядан кейинги дастлабки даврда – ётоқ ёки ярим ётоқ режими (операция ҳажми ва ҳамроҳ касалликларга боғлиқ ҳолда).

Кейинги операциядан кейинги даврда – палатали режим.

Диета:

№15 стол (ёки ҳамроҳ касалликка қараб бошқа парҳез).

Хирургик даволашдан кейин – №15 стол (ёки ҳамроҳ касалликка қараб бошқа парҳез).

6.3 Медикаментоз даво:

Медикаментоз даволаш (химиотерапия) фақат генерализланган шаклларда қўлланилади.

Асосий даволаш усули – хирургик даволаш.

Протоколда даволаш тактикаси касаллик босқичларига қараб берилган, генерализланган тери саратонини даволаш бўлимида химиотерапия схемалари келтирилган.

6.4 Жарроҳлик амалиёти

- Эконом кесиб олишда ўсма эллипсимон кесик билан, чегараларидан 0,5–2,0 см масофада, наркоз остида кесиб олинади.
- Тери саратони қўл ва оёқ бармоқларида жойлашиб, бириктирувчи ва суяк тўқимасига ўсиб кирган ҳолларда, бармоқ ампутацияси ёки экзартикуляцияси амалга оширилади.
- Қулоқ супраси терисида, унинг юқори ёки марказий қисмларида жойлашган ўсмаларда қулоқ упрасини ампутация қилиш ўтказилади.
- Сочли бош қисми терисида жойлашган, бош суягига ўсиб кирган ўсмаларда, кенг кесиб олиш билан бирга бош суягининг зарарланган қисми резекция қилинади ва дефект бирлашган қоплама тўқималар билан пластика қилинади.

Лимфодиссекция лимфа тугунларида метастазлар мавжуд бўлганда ўтказилади ва бирламчи ўсма ўчоғини олиб ташлаш билан бирга ёки метастазлар аниқланганидан сўнг амалга оширилади. Профилактик лимфодиссекция ўтказилмайди.

Тери саратонида регионар лимфа аппаратида стандарт хирургик муолажалар

Лимфа аппаратида стандарт хирургик аралашувлар қуйидагиларни ўз ичига олади: ўмров ости, қўлтиқ ости-курак ости, ёнбош-сов-сон, классик радикал бўйин (Крайл операцияси), модификацияланган радикал бўйин лимфадиссекцияси III тапта (футляр-фасциал бўйин лимфадиссекцияси). Чов-сон лимфадиссекцияси. Дюкен операцияси

Босқичларга қараб даволаш

Базал хужайрали саратон (БХС)

I ва II босқичлар (T1-2N0M0):

- Жарроҳлик йўл билан ўсмани олиб ташлаш, зарурат туғилганда бир вақтнинг ўзида жарроҳликдан кейинги дефектни тери пластикаси усулларида бири билан бартараф этиш.

- Агар режали гистологик текширувда резекция четларида ўсма ҳужайралари аниқланса, адъювант нур терапияси (НТ) ёки қайта кесиб олиш (реиссекция) кўрсатилган.
- Радикал дастур бўйича нур терапияси,
- Бир марталик ва умумий доза ўсманинг жойлашуви, ўлчами, шикастланиш чуқурлиги ва цитологик ёки морфологик тасдиққа қараб танланади.
- Яқин фокусли рентгенотерапия
- Чизиқли тезлаткичларда дистанцион нур терапияси
- Криотерапия
- ёки Фотодинамик терапия

III босқич (T3N0M0):

- Кенг кесиб олиш ва бир вақтда жарроҳликдан кейинги дефектни тери пластикаси билан бартараф этиш.
- Агар ўсма қўл ёки оёқларда жойлашиб, катта ҳажмли юмшоқ тўқималар, суяк ёки томир-нерв боғламларининг кенг зарарланиши кузатилса, қўл ва оёқларни ампутация қилиш.
- Сочли бош қисми терисида жойлашган, бош суягига ўсиб кирган ўсмаларда, кенг кесиб олиш ва бош суягининг зарарланган қисми резекция қилинади, дефект бирлашган қоплама тўқималар билан пластика қилинади.

Режали гистологик текширувда резекция четларида ўсма ҳужайралари аниқланса, адъювант нур терапияси (НТ) кўрсатилган.

- Шартли радикал характерга эга жарроҳлик амалиёти ўтказилган ҳолларда, операция ўрнида жарроҳликдан кейинги нур терапияси қўлланилади (СОД 50–70 Гр).
- Ёки мустақил радикал дастур бўйича нур терапияси бир марталик ва умумий доза ўсманинг жойлашуви, ўлчами, шикастланиш чуқурлиги ва цитологик ёки морфологик тасдиққа қараб танланади.
- Яқин фокусли рентгенотерапия
- Чизиқли тезлаткичларда дистанцион нур терапияси
- Ёки фотодинамик терапия
- Ёки электрохимиотерапия

IV босқич (ҳар қандай T ҳар қандай N M1):

- Онкодерматологияда беморларни реабилитация қилишда кўп тармоқли ёндашув **тавсия этилади**, бу жараёнга ҳаракат реабилитацияси, психологик қўллаб-қувватлаш ҳамда меҳнат терапияси бўйича мутахассислар (меҳнат терапияси инструкторлари) иштирокини қамраб олиши керак. (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/25733913/>).

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси – С (Далилларнинг ишончлилик даражаси – 5).

- Тикловчи даволаш мақсадлари сифатида куйидагиларни ҳисобга олиш **тавсия этилади**: жарроҳлик амалиёти ўтказилган тана қисмида ҳаракат ҳажмини тиклаш, тонусни тиклаш, жарроҳлик амалиёти ўтказилган қўл-оёқ мушакларининг кучини ошириш ҳамда мушак дисбалансини тўғрилаш. (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/24161605/>).

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси – С (Далилларнинг ишончлилик даражаси – 5).

- Тикловчи даволашни эрта бошлаш **тавсия этилади**, чунки бу онкодерматологияда жарроҳлик амалиётларидан сўнг функционал натижаларни яхшилайти. (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/24161605/>).

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси – С (Далилларнинг ишончлилик даражаси – 5).

- Ҳар бир ҳолатда ЛФК комплекси жарроҳлик амалиётининг хусусиятлари ва ҳажмидан келиб чиқиб, индивидуал равишда ишлаб чиқилиши **тавсия этилади**. (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/19117349/>).

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси – С (Далилларнинг ишончлилик даражаси – 5).

- Оғрикни камайтириш мақсадида ҳолат билан даволаш, ЛФК, жарроҳлик амалиёти соҳасига криотерапия, тиббий массаж ва электротерапияни биргаликда қўллаш **тавсия этилади**. (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/30052758/>).

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси – С (Далилларнинг ишончлилик даражаси – 5).

- ЛФК ҳажмини босқичма-босқич кенгайтириш **тавсия этилади**. Фаол четга олиб бориш имконияти пайдо бўлганда, жарроҳлик амалиёти ўтказилган қўл-

оёққа тўлиқ юклама беришга рухсат этилади.
(<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/24161605/>).

Тавсияларнинг ишончлилиқ даражаси – С (Далилларнинг ишончлилиқ даражаси – 5).

1.2.2. Реабилитациянинг иккинчи босқичи

• Чандиқ тузилмаларининг кўпол ўзгаришларини олдини олиш учун чандиқларни ҳаракатлантиришга қаратилган усуллардан фойдаланиш **тавсия этилади**. Буларга чуқур массаж, чўзилиш машқлари, шунингдек, чандиқ ўзгаришларини юмшатиш мақсадида ультратовуш терапияси киради. [89].

Тавсияларнинг ишончлилиқ даражаси – С (Далилларнинг ишончлилиқ даражаси – 5).

• Лимфедема пайдо бўлганда, тўлиқ шишга қарши терапия ўтказиш **тавсия этилади**. У кўл билан лимфодренаж, компрессион трикотаж кийиш, ЛФК машқларини бажариш ва тери парваришини ўз ичига олади. [90].

Тавсияларнинг ишончлилиқ даражаси – С (Далилларнинг ишончлилиқ даражаси – 5).

1.2.3. Реабилитациянинг учинчи босқичи

• ЛФК мажмуасини бажариш ва уни босқичма-босқич кенгайтириш **тавсия этилади**, аэробик юкламаларни кўшиш орқали. Бу хавфли ўсмаларнинг комплекс даволаш натижаларини ва ҳаёт сифатини яхшилади. [91].

Тавсияларнинг ишончлилиқ даражаси – С (Далилларнинг ишончлилиқ даражаси – 5).

• Ҳаёт сифатини яхшилаш, оғриқ синдроми ва заифликни камайтириш мақсадида тиббий массаж **тавсия этилади**. [92].

Тавсияларнинг ишончлилиқ даражаси – С (Далилларнинг ишончлилиқ даражаси – 5)

1.3. Кимё терапияда реабилитация

• Ҳимиотерапия даврида физик юкламаларни эрта бошлаш **тавсия этилади**, бу мушак заифлиги, гипотрофия, физик юкламаларга нисбатан тўлиқликни камайтиришнинг профилактикасига ёрдам беради. [93].

Тавсияларнинг ишончлилиқ даражаси – С (Далилларнинг ишончлилиқ даражаси – 3).

• Бу тавсия Nicole L. Stout et al, 2017 и R. Segal et al, (2017) томонидан олиб борилган тизимли кўриб чиқишлар натижаларига асосланиб берилган.

Химиотерапия даврида аэробик юклама қўллаш тавсия этилади, чунки бу гемоглобин, эритроцитлар даражасини оширади, леуко- ва тромбоцитопениянинг давомийлигини камайтиради ва шунингдек, режалаштирилган химиотерапия курсини тўлиқ амалга ошириш эҳтимолини оширади. [94].

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси – С (Далилларнинг ишончлилик даражаси –5).

- Полинейропатияни тўғрилаш учун мувозанатни машқ қилиш **тавсия этилади**, чунки бу чидамлик ва куч машқлари билан бирга бажарилган машқларга нисбатан самаралироқдир. (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/24927670/>).

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси – С (Далилларнинг ишончлилик даражаси – 5).

- Химиотерапия фонидagi периферик полинейропатияни даволашда паст интенсивли лазеротерапия қўллаш **тавсия этилади**. [95].

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси – В (Далилларнинг ишончлилик даражаси –2).

- Химиотерапия фонидagi периферик полинейропатияни даволашда паст частотали магнитотерапия қўллаш **тавсия этилади**. [96].

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси – В (Далилларнинг ишончлилик даражаси –2).

- Химиотерапия фонидagi полинейропатияни даволаш учун 4 ҳафта давомида кунига 20 дақиқа чрескожная қисқа импульсли электростимуляция қўллаш **тавсия этилади**. (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/24549206/>).

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси – С (Далилларнинг ишончлилик даражаси –5).

- Химиотерапия фонидa оғиз бўшлиғидagi мукозитларнинг олдини олиш учун паст интенсивли лазеротерапия қўллаш **тавсия этилади**. [97].

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси – А (Далилларнинг ишончлилик даражаси – 1).

- Химиотерапия фонидa юзага келадиган кардиал асоратлар ривожланиш частотасини камайтириш учун ЛФК комплекси ўтказиш **тавсия этилади**. [98].

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси – С (Далилларнинг ишончлилик даражаси –5).

- Химиотерапия фонидa алопециянинг олдини олиш учун бош тери терисини совутиш тизимларидан фойдаланиш **тавсия этилади**. [99].

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси – С (Далилларнинг ишончлилик даражаси –5).

1.4. Нур терапия

- Нур терапияси фонида кучсизликнинг олдини олиш ва ҳаёт сифатини яхшилаш учун аэробик юклама ва куч машқларини ўз ичига олган ЛФК комплекси ўтказиш тавсия этилади. (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/29445285/>).

Тавсияларнинг ишончлилиқ даражаси – С (Далилларнинг ишончлилиқ даражаси – 5)

- Нур терапияси фонида, айниқса суяк метастазлари бўлган беморларда, суяк тўқимаси зичлигини ва беморнинг чидамлилигини ошириш учун ЛФК комплекси ўтказиш тавсия этилади. [100].

Тавсияларнинг ишончлилиқ даражаси – В (Далилларнинг ишончлилиқ даражаси – 2).

- Нур терапияси бошланганидан 3 кун ўтгандан сўнг, нурли дерматитнинг олдини олиш учун ҳафтасига 3 кун давомида паст интенсивли лазеротерапияни қўллаш тавсия этилади. (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/26447605/>).

Тавсияларнинг ишончлилиқ даражаси – С (Далилларнинг ишончлилиқ даражаси – 5).

1.5. Теридаги хавфли ўсмалар билан касалланган беморларнинг психологик реабилитация принциплари.

- Беморларга касаллик, руҳий реакциялар, даволаш жараёнидаги масъулият соҳаси, қариндошлар ва тиббий ходимлар билан мулоқот усуллари, ўз касаллиги ёки ҳолати ҳақида қўшимча маълумот олиш йўллари, ижтимоий қўллаб-қувватлаш усуллари ҳақида маълумот бериш тавсия этилади. Бу ҳаёт сифатини ва касаллик натижасини яхшилашга олиб келади. (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/4001992/>).

Тавсияларнинг ишончлилиқ даражаси – С (Далилларнинг ишончлилиқ даражаси – 5)

- Енгувчан хулқ-атвор ва ҳис қилинадиган ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг мажмуавий таъсирига эришиш тавсия этилади. Бу даволашдан олдин мажбурий ва қочишга мойил фикрлар сонининг камайишига ҳамда даволашдан 1 ой ўтгач яхшироқ психологик мослашувга олиб келади. [101].

Тавсияларнинг ишончлилиқ даражаси – С (Далилларнинг ишончлилиқ даражаси – 5)

- Руҳий-таълим тадбирлари ва психологик қўллаб-қувватлаш (патологик руҳий реакцияларни ўз-ўзини ташхис қилиш, стрессни енгиш усуллари, руҳий реакциялар ва жисмоний ҳолат ўзаро таъсирини кузатиб бориш) енгувчан хулқ-атворни шакллантиришнинг асосий механизми сифатида қаралиши мумкин. Бу

эса стрессли ҳолатларни шахсий тажрибага айлантиришга ёрдам беради ҳамда касаллик ва даволаш жараёнида ижтимоий ва руҳий мослашувни рағбатлантиради. [102]

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси – С (Далилларнинг ишончлилик даражаси –5)

Изоҳ: Онкопсихология соҳасидаги илмий тадқиқотларда меланома ва тери номеланом ўсмалари билан касалланган беморларда энг кўп учрайдиган 3 та энгувчан хулқ-атвор услуби кузатилади:

1) Эмоционал, жисмоний ва ижтимоий қийинчиликларни, касаллик ва даволаш жараёни билан боғлиқ муаммоларни фаол хатти-ҳаракатлар орқали енгиши.

2) Фаол билим олишга асосланган енгиши – бу касаллик ҳақидаги муносабат, ишонч ва мулоҳазаларни ўз ичига олади.

3) Қочилишга асосланган енгиши – муаммоларни фаол равишда четлаб ўтиши ёки диққатни чалғитиши орқали ҳиссий зўриқишни пасайтиришга қаратилган ҳаракатлар.

Умуман олганда, тадқиқотлар шуни кўрсатадики, муаммога йўналтирилган фаол энгувчан стратегиялардан фойдаланадиган беморлар касалликка яхшироқ мослашади. Уларга нисбатан пассив ёки қочилишга асосланган енгиши услубларини қўллайдиган беморлар камроқ мослашув кўрсатади. [103]

Фаол-хулқий муаммоларни енгиши усулларида фойдаланган беморлар ўзларида юқорироқ ўз-ўзини баҳолаш ва энергия даражасини, камроқ жисмоний аломатлар мавжудлигини ҳамда асабийлик ва астениянинг пасайганлигини қайд этганлар. (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/8357293/>).

Бунга қарши равишда, меланома ва тери номеланома ўсмаларининг бошланғич босқичларидаги беморларда қочилишга асосланган енгиши усуллари билан хавотир, депрессия, саросима ва беқарор кайфият фони ўртасида ижобий корреляция кузатилган. (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/8357293/>)

Voesen ва ҳамкасблари олиб борган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, руҳий-таълим қўллаб-қувватлашини таклиф этувчи тузилган аралашувлар дистресс ва кайфият бузилишларини камайтиришга ёрдам беради ҳамда меланома ва тери номеланома ўсмалари билан касалланган беморларда энгувчанлик стратегияларини фаолроқ қўллашга олиб келади. (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/18089864/>).

• Тери номеланома ўсмалари билан боғлиқ руҳий реакцияларни (астено-хавотирли-депрессив турдаги реакциялар, нарцисстик реакциялар, ПТС доирасидаги реакциялар, ижтимоий яққаланиш) мақсадли руҳий тузатиш тадбирларини ўтказиш тавсия этилади. Бу хавотирликни камайтиришга, соғлиқ

билан боғлиқ бузилишларни енгиллаштиришга ҳамда касалликка қарши курашда ижобий ўзгаришларга олиб келади. [104].

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси – С (Далилларнинг ишончлилик даражаси – 5)

Изоҳ: Руҳий тузатиш тадбирлари натижалари меланома ва тери номеланома ўсмалари билан касалланган беморларда депрессия, онг хиралашиши, астения, апатия ва умумий кайфият пасайишининг паст даражада эканлигини кўрсатади [103]. Шунингдек, кўплаб тадқиқотлар бу аралашувларнинг иммун тизими функцияларига ижобий таъсир кўрсатишини, жумладан, баъзи турдаги табиий қотил (НК) хужайралар сонининг ошиши ва уларнинг ўсмаларга қарши курашиш салоҳиятининг ортиши билан боғлиқлигини тасдиқлайди [104]. 5 йиллик кузатув давомида тадқиқотчилар психологик ва биологик ўзгаришлар ўз навбатида рецидив кўрсаткичлари ва яшовчанлик билан боғлиқ эканлигини намоён қилдилар. (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/8357293/>).

3. 3-турдаги профилактика ёки реабилитацияни ўтказишга кўрсатмалар (улар профилга мувофиқ белгиланади).

Тери саратонининг бирламчи профилактикаси хавф омилларини олдини олиш, сурункали юқумли касалликлар ва асоратларни даволаш орқали Тери саратони билан касалланиш эҳтимолини пасайишига олиб келади.

Иккиламчи профилактика Тери саратонинисимптомсиз ва клиникадан олдинги босқичларда эрта аниқлашга олиб келади, бунда Тери саратонини тўлиқ даволаш эҳтимоли юқори.

Учламчи реабилитацион профилактик терапияси бемор ёши, гистологик кўриниш босқичидан қатъи назар, цитостатик терапияни олган ва/ёки тугатган тери саратонининг бўлган барча беморлар учун амалга оширилади.


Самарадорликни баҳолаш ва профилактика режимини тузатиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиш учун клиник ва лаборатория профилактик терапиясини кузатиш тавсия этилади. Клиник назоратда профилактик алмаштириш терапиясининг етарли даражада самарадорлиги тўғрисида қарор клиник тест натижалари меъёридан четга чиқиш ва специфик цитостатик терапия пайтида ва ундан кейин беморнинг соматик ҳолатининг ёмонлашиши (яхшиланмаслиги) ҳолатларида қабул қилинади.

3.1. Профилактика турларини аниқлаш мезонлари (халқаро стандартларга мувофиқ, далилларга асосланган тиббиёт институти маълумотлари);

- Тери саратони ривожланишининг олдини олиш учун аҳолининг барча қатламлари, айниқса ёшлар учун бирламчи профилактика тавсия этилади. *Тавсияларнинг ишончлилиги даражаси С (далилларнинг ишончлилиги даражаси – 4);*
- Иккиламчи профилактика мақсадида, айниқса хавф омилларига эга бўлган шахслар учун, маҳаллий шифокор томонидан профилактик текширувлардан ўтиш тавсия этилади. *Тавсияларнинг ишончлилиги даражаси С (далилларнинг ишончлилиги даражаси – 4);*
- Махсус махсус жарроҳлик ва цитостатик терапия тугагандан сўнг, барча беморларга учламчи реабилитация профилактикасини ўтказиш тавсия этилади. *Тавсияларнинг ишончлилиги даражаси В (далилларнинг ишончлилиги даражаси – 4);*

3.2. Реабилитация муолажаларининг босқичи ва кўламини аниқлаш мезонлари (фаолият, хаёт фаолиятини чеклаш ва соғлиқнинг Халқаро таснифига кўра халқаро шкалалар).

Бирламчи санитария ва даволаш муассасасида тери БҲС беморларини фаол диспансер кузатуви дастури



БКР бўйича даволанган беморлар рецидивни барвақт аниқлаш ва мумкин бўлган даволаш мақсадида (ДО-11) доирасида фаол диспансер кузатувиغا олинади.

Хавф омиллари мавжуд бўлмаган беморларнинг кузатув муддати 3 йилдан ошмаслиги мақсадга мувофиқ. Бу муддат прогнозни аниқлаш ва эҳтимолий рецидивни аниқлаш учун етарли ҳисобланади. Бунда текширувлар биринчи 2 йилда йилига 4 марта, 3-йилда эса 1 марта ўтказилади.

Бирламчи-кўп сонли рецидивли саратон ташхиси қўйилган беморлар умрбод фаол кузатувга олиниши тавсия этилади. Чунки бирламчи-кўп сонли шаклларга эга беморларда ўсма даволанган жойда рецидивлар сони яққа ўсмали беморларга нисбатан 7,8 баравар кўп кузатилган. Ялғиз ўсма шаклидаги беморларда саратон олиб ташланган жойда рецидивлар асосан кузатувнинг биринчи 3 йилида ривожланган бўлса, кўп сонли ўсма шаклидаги беморларда улар 3-5 йилларда юзага келган. Бу гуруҳдаги беморлар учун ҳар йили чуқурлаштирилган диспансеризация ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлиб, у турли локализациядаги онкологик касалликларни эрта аниқлашга қаратилган.

Ясси ҳужайрали, метатипик саратон ва тери қўшимчаларининг саратон касаллиги бўйича даво олган беморларни реабилитация қилиш, жарроҳлик аралашувлари ва/ёки химиотерапиядан кейинги реабилитациянинг умумий принципларига асосланиши тавсия этилади.

Тузалган беморларни диспансер кузатуви

Тери саратони бўйича даволаниш тугатилгандан сўнг, қуйидаги кузатув даврийлиги ва усулларига риоя қилиш тавсия этилади:

1-2 йил мобайнида ҳар 3 ойда бир марта жисмоний кўрик ва шикоятларни тўплаш тавсия этилади, 3-йилда – ҳар 6 ойда бир марта, 4-йилдан бошлаб – йилига бир марта ёки шикоятлар пайдо бўлган тақдирда тезроқ текширувдан ўтиш мумкин. Рецидив хавфи юқори бўлган беморларда текширувлар оралиғи қисқартирилиши мумкин.

Текширув ҳажми:

1. Анамнез, локал кўрик ва жисмоний текширув.

2. Периферик лимфа тугунлари, қорин бўшлиғи ва кичик чаноқ аъзоларининг УТТ: - 1-2 йилда – ҳар 3 ойда бир марта; - 3-йилда – ҳар 6 ойда бир марта; - 4-йилдан бошлаб – йилига бир марта.

3. Кўкрак қафаси аъзоларининг рентгенографияси: - 1-2 йилда – ҳар 3 ойда бир марта; - 3-йилда – ҳар 6 ойда бир марта; - 4-йилдан бошлаб – йилига бир марта.

Кузатувнинг асосий вазифаси – касалликнинг авж олиши ва рецидивларни эрта аниқлаш, резектабел метастатик ўчоқлар ва рецидив ўсмаларни барвақт жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш ёки химиотерапияни ўз вақтида бошлаш, шунингдек, метакрон ўсмаларни аниқлашдан иборат.

4. Реабилитация босқичлари ва кўлами:

24-жадвалда аввалроқ ташхис қўйилган бемор учун диспансер кузатуви доирасида тавсия этиладиган текширувлар графиги келтирилган. Ушбу жадвал «Диагностика» бўлимида берилган тавсиялар ва касалликнинг авж олиш хавфларига асосан тузилган.

Касаллик босқичи (ёки эквивалент)	Физикал кўрик			Лимфа тугунлари УТТси			Тўлиқ кўламда нур диагностикаси		
	Кузатув йиллари			Кузатув йиллари			Кузатув йиллари		
	1-3	4-5	6-10	1-3	4-5	6-10	1-3	4-5	6-10
0–I (паст хавф [1])	Ҳа р 6 ой да	Ҳа р 12 ой да	Ҳа р 12 ой да	Кўрсат малар асосида	Кўрсат малар асосида	Кўрсат малар асосида	Кўрсат малар асосида	Кўрсат малар асосида	Кўрсат малар асосида
I–II (юқори хавф [2])	Ҳа р 3 ой да	Ҳа р 6 ой да	Ҳа р 12 ой да	Ҳар 3 ойда	Ҳар 6 ойда	Кўрсат малар асосида	Кўрсат малар асосида	Кўрсат малар асосида	Кўрсат малар асосида
III–IV	Ҳа р 6 ой да	Ҳа р 12 ой да	Ҳа р 12 ой да	Ҳар 3 ойда	Ҳар 6 ойда	Кўрсат малар асосида	Ҳар 6 ойда	Кўрсат малар асосида	Кўрсат малар асосида

5. Тиббий профилактика ёки реабилитация даражасини кўрсатадиган холда ташхислаш тадбирлари:

- 1) Далиллар даражаси киритилган холда асосий ташхислаш тадбирлари:
 - Тромбоцитлар сонини ҳисоблаш, лейкоформула билан УҚТ;
 - Қон биокимёвий таҳлили (натрий, калий, кальций, глюкоза, мочевина, креатинин, пешоб кислотаси, умумий оқсил, альбумин, умумий билирубин, бевосита билирубин, ЛДГ, АСТ, АЛТ, СРБ, ишқорий фосфотаза);
 - Қорин бўшлиғи аъзолари+буйрақлар, қорин парда орти, кичик чанок, периферик лимфа тугунлари УТТси;
 - Кўкрак кафаси рентген текшируви;

Тавсия ишончилиги даражаси С (далиллар ишончилиги даражаси – 5)

2) Далиллар даражаси киритилган холда кўшимча ташхислаш тадбирлари:

- Қон КИМни аниқлаш;
- Бош ва бўйинни КТси;
- Томирлар (вена ва/ёки артерия) УЗДГси;
- Бош мия МРТси;
- Холтер – мониторинг ЭКГ

Тавсия ишончилиги даражаси С (далиллар ишончилиги даражаси – 5)

6. Даражаси кўрсатилган холда тиббий профилактика ёки реабилитациянинг тактикаси:

1) Далиллар даражасини кўрсатиш билан тавсия қилинадиган асосий профилактика ёки реабилитация тадбирлари:

ТР кузатилиши билан даволашни тугатган тери саратони беморларига терапия тугаганидан кейин 1 йил давомида ҳар 3 ойда, 2 йил - ҳар 6 ойда ва ундан кейин ҳар йили онколог ёки абдоминал онколог томонидан кузатилиши тавсия этилади.

Тавсияларнинг ишончилик даражаси С (далилларнинг ишончилик даражаси 5).

ҚУТ, қон биокимёвий таҳлилиё йил давомида ҳар 3 ойда ўтказилиши, кейин 2 йил давомида ҳар 6 ойда ва кейинчалик ҳар йили ўтказиб туриш зарур.

Тавсияларнинг ишончилик даражаси С (далилларнинг ишончилик даражаси 5).

2) Далиллар даражасини кўрсатиш билан тавсия қилинадиган кўшимча профилактика ёки реабилитация тадбирлари:

Кўшимча профилактика чораларига рецидив хавфини камайтириш ва иммунитетни ошириш учун тавсия этилган дори-дармонларни қабул қилиш, тўғри овқатланиш, ёмон одатлардан воз кечиш ва салбий ташқи омилларга таъсир қилиш, соғлиғингиз ҳолатини ҳисобга олган ҳолда даволовчи шифокорнинг тавсияларига амал қилиш киради.

Тавсияларнинг ишончилик даражаси С (далилларнинг ишончилик даражаси 5).

7. Профилактика ёки реабилитация тадбирларининг самарадорлик кўрсаткичлари:

Профилактик терапия ва реабилитация динамик назорат ташрифи давомида клиник, лаборатория ва инструментал текширувларни кузатиш керак. Тери

саратони учун профилактика ва реабилитация тадбирларининг самарадорлиги кўрсаткичлари қуйидагича:

- Касаллик рецидивининг йўқлиги;
- Касаллик метастазланишининг йўқлиги;
- Цитостатик ва нур терапиянинг кечки асоратларининг йўқлиги;
- Беморнинг ва беморнинг яқин қариндошларининг руҳий ҳолатининг бошланғич позициясига тўлиқ қайтиш;
- Беморнинг зарарли одатлардан воз кечиши, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, соғлом овқатланиши;
- Беморнинг динамик назоратга ўз вақтида мурожаат қилиши;
- Тери саратони учун хавф омили ёки фон касалликлари бўлган ҳолатлар/касалликларни ўз вақтида даволаш.

**«ТЕРИ САРАТОНИ» НОЗОЛОГИЯСИ
БЎЙИЧА ПАЛЛИАТИВ ТИББИЙ ЁРДАМ
МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛЛАРИ**

ТОШКЕНТ – 2024

- ХКТ код (лар)и:

ХКТ-10:	
Код	Номи
C44	– Тери бошқа хавфли ўсмалари
C44.0	– Лаб териси
C44.1	– Қовоқ териси, қовоқ ёпишмаси билан бирга
C44.2	– Қулоқ териси ва ташқи эшитиш йўли
C44.3	– Юзнинг бошқа ва аниқланмаган қисмлари териси
C44.4	– Бош ва бўйин сочли қисми териси
C44.5	– Тана териси
C44.6	– Қўл териси, елка камари соҳасини ўз ичига олган ҳолда
C44.7	– Оёқлар териси, чаноқ-сон соҳасини ўз ичига олган ҳолда
C44.8	– Терининг юқорида санаб ўтилган бир ёки бир нечта жойларидан ташқарига чиқиб кетган зарарланиши
C44.9	– Терининг аниқланмаган соҳадаги хавфли ўсмалари
Юклаб олиш (ХКТ-10 дан ҳавола): https://mkb-10.com/index.php?pid=1225	
ХКТ-11:	
Код	Номи
2E64	Тери карцинома in situ си
2C31	Тери ясси хужайрали саратони
2C31.0	Терининг керрукоз ясси хужайрали карциномаси
2C31.1	Кератоакантома
2C81.0	Жинсий олат ясси хужайрали саратони
2C31.Z	Тери ясси хужайрали саратони
2C32	Тери базал хужайрали карциномаси
2C32.0	Терининг тугунли базал хужайрали саратони
2C32.1	Терининг склерозловчи базал хужайрали карциномаси
2C32.2	Терининг юзаки базал хужайрали карциномаси
2C32.Y	Бошқа аниқлаштирилган тери базал хужайрали карциномаси
2C32.Z	Тери базал хужайрали карциномаси, аниалаштирилмаган
2C33	Терининг аднексал карциномаси
2C34	Тери нейроэндокрин карциномаси

2C35	Тери саркомаси
2C3Y	Терининг бошқа аниқлаштирилган хавфли ўсмалари
2C3Z	Терининг номаълум ёки аниқлаштирилмаган тапдаги хавфли ўсмалари
Юклаб олиш (ХКТ-11 дан ҳавола): https://icd.who.int/browse/2025-01/mms/ru#1630407678	

1. Асосий қисм.

1) Кириш

Базал хужайрали ва ясси хужайрали терининг саратон касаллиги (кўпинча номеланома терининг ўсмалари деб аталади) – эпителий хужайраларидан келиб чиққан хавфли терининг ўсмалари ҳисобланади. Базал хужайрали тери саратони (синонимлари – базалиома, базал хужайрали карцинома) эпителийнинг базал қатлами хужайраларидан ривожланади, ясси хужайрали саратон эса тери кератиноцитларидан келиб чиқади. (<https://www.niioncologii.ru/highlights/index?id=9643>).

2) Нозологиянинг умумий тавсифи (фойдаланилган манбаъга ҳавола: https://gco.iarc.fr/today/en/dataviz/pie?mode=population&group_populations=0&cancers=17)

Халқаро Саратонни Ўрганиш Агентлиги – GLOBOCAN маълумотларига кўра, 2022 йилда жами 1 234 533 та номеланома тери саратони ҳолати аниқланган ва 69 416 киши ушбу турдаги саратондан вафот этган.

Номеланома тери ўсмалари ривожланиши учун ягона этиологик омил мавжуд эмас. Спорадик (ирсий бўлмаган) шаклдаги меланомадан ташқари тери ўсмалари учун энг муҳим хавф омилларидан бири терига ультрабинафша нурланишининг таъсиридир. Бунда тери ультрабинафша таъсирига нисбатан сезувчанлик даражаси одамларда фарқ қилади ва 6 турга таснифланади, шунингдек, 1 ва 2-тур энг юқори сезувчанликка эга (шу билан бирга, қуёшда қуйиш эҳтимоли катта), 5 ва 6-тур эса энг паст сезувчанликка эга ҳисобланади. (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/3377516/>). Шунингдек, туғма ёки орттирилган иммун танқислиги (масалан, аъзо трансплантациясидан сўнг ёки иммунсупрессант қабул қилиш зарур бўлган бошқа касалликларда), пигментли ксеродерма каби хавф омилларини ҳам таъкидлаш лозим. Сунъий ультрабинафша нурланиши (шу жумладан, PUVA-терапия) ва меланомадан ташқари тери ўсмалари ривожланиш хавфи ортгани ўртасида боғлиқлик аниқланган. Мишяк билан контактда бўлган шахсларда ҳам, айниқса, Боуэн касаллиги ҳолатида, ясси хужайрали саратон ривожланиш хавфи юқори бўлади. Кўп ҳолларда меланомадан ташқари тери ўсмалари мавжуд бўлган

предўсма янги ҳосилалар (масалан, актиник кератоз ёки кератоакантома) фониди ривожланади, шунингдек, улар хавфли ўсмага яқин жойлашган тери участкаларида ҳам кўп учрайди. ([https://www.who.int/news-room/questions-and-answers/item/radiation-ultraviolet-\(uv\)-radiation-and-skin-cancer?gad_source=1&gclid=CjwKCAiAmMC6BhA6EiwAdN5iLYQsbiTXuhejIhlPCWP6gwLK6Z3mZP6PXwxnbu5_jQRmgyO-QWTQuBoChrUQAvD_BwE#](https://www.who.int/news-room/questions-and-answers/item/radiation-ultraviolet-(uv)-radiation-and-skin-cancer?gad_source=1&gclid=CjwKCAiAmMC6BhA6EiwAdN5iLYQsbiTXuhejIhlPCWP6gwLK6Z3mZP6PXwxnbu5_jQRmgyO-QWTQuBoChrUQAvD_BwE#)).

Шунингдек, базалиома ривожланиши мумкин бўлган бир қатор ирсий синдромлар мавжуд: невоид базалиомалар синдроми (Горлин-Гольц синдроми деб ҳам маълум), Базекс синдроми, Ромбо синдроми, бир томонлама базал ҳужайрали невус синдроми. (<https://oncology.lwwhealthlibrary.com/book.aspx?bookid=1172>).

Горлин-Гольц синдромида РТСН ген мутацияси аниқланади. Беморларда кўп сонли базалиомалар билан бирга, хос фенотип ҳам кузатилади: буруннинг кенг илдизи, кафтларда қўшимча бурмалар, жағларда кистоз ўзгаришлар, суяк тизими ривожланишида нуқсонлар. Базекс синдроми Х-хромосома билан боғлиқ доминант усулда ирсият орқали ўтади. Кўп сонли базалиомалардан ташқари, бу синдромда атрофодермия, гипотрихоз, гипогидроз ва фолликуляр атрофия кузатилади. Ромбо синдроми аутосомал-доминант усулда ирсият орқали ўтади. Кўп сонли базалиомалардан ташқари, гипертрихоз, вермикуляр атрофодермия, трихоэпителиомалар ва периферик вазодилатация каби клиник белгилари мавжуд. Бир томонлама базал ҳужайрали невус синдроми билан туғилган беморларда терида комедонлар ва эпидермал кисталар билан бирга янги ҳосилалар кузатилади. Микроскопияда базал эпителийнинг пролиферацияси аниқланади. (https://books.google.co.uz/books/about/DeVita_Hellman_and_Rosenberg_s_Cancer.html?id=yrBI5zx69X8C&redir_esc=y).

Ясси ҳужайрали тери саратони (ЯХТС) меланомадан ташқари тери ўсмалари (МТТЎ) ичида тарқалиши бўйича иккинчи ўринда туради (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/16306523/>). Касалланиш даражаси яшаш жойининг кенгликка яқинлигига қараб кескин фарқ қилади ва ёруғ фототипли терига эга одамларда анча юқори бўлади (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/28220485/>). Шу боис, дунёда МТТЎ бўйича энг юқори касалланиш даражаси Австралияда кузатилади, у ерда 70 ёшгача ҳар иккинчи одамда шу турдаги ўсма ривожланади, энг паст кўрсаткич эса Африканинг айрим худудларида қайд этилган (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/22251204/>). Иккита ёки ундан кўп МТТЎга чалинган беморларда янги меланомадан ташқари ўсмалар пайдо бўлиш хавфи анча юқори бўлади, шунингдек, бир неча МТТЎ ҳолатлари эркакларда кўпроқ учрайди (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/28392289/>).

2023 йилда РСНПМЦОиР статистик маълумотларига кўра, Ўзбекистонда тери саратони билан касалланиш даражаси 100 минг аҳолига 2,6 ни ташкил этган. Эркаклар орасида ушбу касаллик умумий онкологик касалликлар тузилмасида 8-

ўринни эгаллаб, 4% ҳолатни ташкил этган. Аёллар орасида эса 9-ўринда бўлиб, 3,2% ҳолат қайд этилган.

2023 йил давомида биринчи марта 954 нафар тери саратони бемори аниқланган, уларнинг 47,9% профилактик кўриқлар чоғида фаол аниқланган. Тери саратони ташхиси морфологик тасдиқланган беморлар улуши 96,1% ни ташкил этган. Касаллик аниқланган босқичлар бўйича тақсимот: I босқичда – 22,3%, II босқичда – 55,0%, III босқичда – 13,8%, IV босқичда – 3,4%. 5,5% ҳолатда касаллик босқичи аниқланмаган.

2024 йил бошига келиб, диспансер кузатувида 8768 нафар тери саратони билан оғриган беморлар рўйхатга олинган бўлиб, касалликка чалиниш даражаси 100 минг аҳолига 23,8 ни ташкил этган. 5 йиллик яшовчанлик кўрсаткичи 51,5%, 1 йиллик леталлик эса 4,6% бўлган. 2023 йилда Ўзбекистонда 336 нафар тери саратонидан вафот этган бўлиб, ўлим кўрсаткичи 100 минг аҳолига 0,9 ни ташкил этган.

Клиник таснифи (<https://publications.iarc.fr/Book-And-Report-Series/Who-Classification-Of-Tumours/WHO-Classification-Of-Skin-Tumours-2018>)

TNM тизими бўйича халқаро таснифи (VIII–нашр, 2017 й.)
(<https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC5851445/>)

Меланомадан ташқари тери ўсмаларини босқичлаш жараёнида морфологик тасдиқлаш мажбурий ҳисобланади. Босқични аниқлаш учун лимфа тугунларининг ҳолати клиник кўриқ ва инструментал тадқиқотлар ёрдамида баҳоланади.

T мезон бирламчи ўсманинг тарқалиш даражасини акс эттиради [*]:

- pTX – бирламчи ўсмани баҳолаш учун маълумот етарли эмас;
- T0 – бирламчи ўсма мавжуд эмас;
- Tis – Карцинома in situ;
- T1 – ўсма энг катта ўлчами бўйича 2 см ёки ундан кам;
- T2 – ўсма энг катта ўлчами бўйича 2 см дан катта;
- T3 – ҳар қандай ўлчамдаги ўсма, қуйидаги тузилмаларга ўсиб кириши билан (масалан, мушак, суяк, хрящ, жағ ва бошқалар);
- T4 – ҳар қандай ўлчамдаги ўсма, периневрал инвазия ёки қўшни тузилмаларга, масалан, бош суягининг асосий суяқларига ёки ўқ скелетига тўғридан-тўғри ўсиб кириши билан.

Изоҳ: агар бирламчи-кўплаб синхрон ўсмалар мавжуд бўлса, таснифлаш энг катта ўлчамга эга ўсма бўйича амалга оширилади, шунингдек, қавс ичида жами тери ўсмалари сони кўрсатилади, масалан: T2 (5).

N мезони регионар лимфа тугунларида метастазларнинг мавжудлиги ёки йўқлигини кўрсатади [6].

Регионар лимфа тугунлари деб асосан тананинг бир томонида (чап ёки ўнг) жойлашган ўсмалар учун қуйидаги лимфа тугунлари ҳисобланади:

- Бош ва бўйин: ипсилатерал (ўсма томонидаги) кулоқ олди, пастки жағ, бўйин ва ўмров усти лимфа тугунлари;
- Кўкрак девори: ипсилатерал қўлтиқ ости лимфа тугунлари;
- Қўллар: ипсилатерал тирсак ва қўлтиқ ости лимфа тугунлари;
- Қорин, бел ва думбалар: ипсилатерал чов лимфа тугунлари;
- Оёқлар: ипсилатерал тизза орти ва чов лимфа тугунлари;
- Анус четлари ва перианал соҳанинг тери қисми: ипсилатерал чов лимфа тугунлари.

Агар ўсма чегаравий зоналарда жойлашган бўлса, икки томонлама лимфа тугунлари ҳам регионар ҳисобланади [6]. 25-жадвалда 4 см кенгликдаги чегаравий зоналарни аниқлаш учун анатомик ориентирлар келтирилган.

25-жадвал. Регионар лимфа бассейнларини аниқлаш учун чегаравий зоналарнинг анатомик ориентирлари

Соҳалар	Чегара линияси (4 см кенгликда)
Чап ва ўнг ярим	Тананинг ўрта чизиғи
Бош ва бўйин/кўкрак қафаси	Ўмров – акромион – елканинг юқори чеккаси
Кўкрак девори / йўллар	Елка – қўлтиқ ости чуқурчаси - елка
Кўкрак девори / қорин, бел ёки думба	Олдиндан: киндик ва қовурға равоғи орасидаги масофа ўртаси; Орқадан: кўкрак умуртқаси пастки чегараси (кўндаланг ўсиқ)
Қорин, бели ёки думба / оёқлар	Чов бурмаси – Катта юмалоқ суяк (катта трохантер) – думба чуқурчаси

Агар метастазлар юқорида кўрсатилган регионар соҳалардан ташқаридаги лимфа тугунларида аниқланса, улар узоқ метастазлар сифатида таснифланиши

ЛОЗИМ (<https://www.wiley.com/en-es/TNM+Classification+of+Malignant+Tumours%2C+8th+Edition-p-9781119263579>).

- NX – регионар лимфа тугунларини баҳолаш учун маълумот етарли эмас.
- N0 – регионар лимфа тугунлари зарарланмаган.
- N1 – бир дона регионар лимфа тугунида метастаз, энг катта ўлчами 3 см ёки ундан кам.
- N2 – бир дона регионар лимфа тугунида метастаз, энг катта ўлчами 3 см дан катта, лекин 6 см дан ошмаган; ёки бир неча регионар лимфа тугунларида метастазлар, ҳар бирининг энг катта ўлчами 6 см дан ошмаган [†].
- N3 – бир ёки бир неча регионар лимфа тугунларида метастазлар, энг катта ўлчами 6 см дан катта.

М мезони узок метастазлар бор ёки йўқлигини билдиради

(<https://www.wiley.com/en-es/TNM+Classification+of+Malignant+Tumours%2C+8th+Edition-p-9781119263579>):

- M0 – узок метастазлар йўқ;
- M1 – узок метастазлар бор.

Г мезони ўсманинг дифференциация даражасини билдиради

(<https://www.wiley.com/en-es/TNM+Classification+of+Malignant+Tumours%2C+8th+Edition-p-9781119263579>):

- GX – дифференциация даражасини аниқлаш имконсиз;
- G1 – юқори дифференциаллашган ўсма;
- G2 – ўрта дифференциаллашган ўсма;
- G3 – паст дифференциаллашган ўсма;
- G4 – дифференциаллашмаган ўсма.

Айрим ёмон прогноз омиллари 26-жадвалда жамланган. AJCC таснифига кўра, бундай омилларнинг мавжудлиги касаллик босқичини I дан II га ошириши мумкин. (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/19917835/>).

26-жадвал. Тери саратонининг ноқулай прогноз омиллари

(<https://www.wiley.com/en-es/TNM+Classification+of+Malignant+Tumours%2C+8th+Edition-p-9781119263579>)

Микроструктураларга шикастланиш/инвазия чуқурлиги	Бреслоу бўйича ўсма қалинлиги 4 мм дан ортиқ
--	--

	Кларк бўйича инвазия даражаси 4
	Периневрал инвазия
	Ангиолимфатик инвазия
Анатомик локализация	Бирламчи локализация – кулоқ супрасида
	Бирламчи локализация – лабнинг қизил чизиғида
Дифференцировка	Паст дифференцияланган ёки дифференцияланмаган ўсма

Босқичлар бўйича гуруҳлаш 27-жадвалда келтирилган:

27-жадвал. Тери номеланом ўсмаларининг босқичлар бўйича гуруҳлаш (<https://www.wiley.com/en-us/TNM+Classification+of+Malignant+Tumours%2C+8th+Edition-p-9781119263579>)

Босқич	pT	N	M
0	is	0	0
I	1	0	0
II	2	0	0
III	3	0	0
	1,2,3	1	0
IV	4	0	0
	1,2,3	2,3	0
	Хар қандай	Хар қандай	1

Қовуқ териси саратонини (C44.1) UICC TNM бўйича босқичлаш (8-нашр, 2018)

Кўз қовуқ тери саратонини босқичлаш жараёнида гистологик тасдиқлаш мажбурий ҳисобланади. Босқични аниқлаш учун лимфа тугунларининг ҳолати клиник кўрик ва инструментал тадқиқотлар ёрдамида баҳоланади.

T мезони бирламчи ўсманинг тарқалиш даражасини акс эттиради:

- TX – бирламчи ўсмани баҳолаш учун маълумот етарли эмас (шу жумладан, ўз-ўзидан регрессия ҳолатлари ёки хирургик олиб ташлашдаги хатолар);
- T0 – бирламчи ўсма мавжуд эмас;

- Tis – Карцинома in situ;
- T1 – ўсма 5 мм ёки ундан кам, хрящ пластинаси ёки кўз қовоқ четига ўтмаган;
- T2a – ўсма 5 мм дан катта, лекин 10 мм дан ошмаган, ёки ҳар қандай ўлчамдаги ўсма, хрящ пластинаси ёки кўз қовоқ четига ўсиб кирган;
- T2b – ўсма 10 мм дан катта, лекин 20 мм дан ошмаган, ёки ҳар қандай ўлчамдаги ўсма, қовоқ тўқималарини тўлиқ қамраб олган;
- T3a – ўсма 20 мм дан катта, ёки ҳар қандай ўлчамдаги ўсма, кўз ёки кўз чуқурига ёндош тузилмаларга ўсиб кирган, ёки ҳар қандай ўлчамдаги ўсма, периневрал инвазияга эга;
- T3b – ўсма, уни тўлиқ олиб ташлаш учун кўз энуклеацияси, орбита экзентерацияси ёки суяк резекцияси талаб қилинади;
- T4 – ўсма жуда кенг тарқалган, кўз, кўз чуқури, юз суяклари ёки бош мия тузилмаларига сезиларли даражада шикаст етказган, резекция қилиш имконияти йўқ.

N мезони метастазларнинг регионар лимфа тугунларида мавжудлиги ёки йўқлигини акс эттиради:

- NX – регионар лимфа тугунларини баҳолаш учун маълумот етарли эмас;
- N0 – регионар лимфа тугунларида метастазлар мавжуд эмас;
- N1 – регионар лимфа тугунларида метастазлар мавжуд.

M мезони узоқ метастазлар мавжудлиги ёки йўқлигини акс эттиради:

- M0 – узоқ метастазлар мавжуд эмас;
- M1 – узоқ метастазлар мавжуд.

28-жадвалда қовоқ териси саратонини босқичлар бўйича гуруҳлаш келтирилган

28-жадвал. қовоқ териси саратонини босқичлар бўйича гуруҳлаш

Босқич	T	N	M
0	Is	0	0
IA	1	0	0
IB	2a	0	0
IC	2b	0	0
II	3a	0	0

IIA	3b	0	0
IIВ	Ҳар қандай T	1	0
IIС	4	Ҳар қандай N	0
IV	Ҳар қандай T	Ҳар қандай N	1

2. Диагностика ва паллиатив даволаш усуллари, ёндашувлари ва тартиблари (<https://oncology-association.ru/wp-content/uploads/2023/03/naczionalnoe-rukovodstvo-po-palliativnoj-mediczineczitirovanie-.pdf>):

1) Паллиатив ёрдам кўрсатиш учун касалхонага ётқизиш кўрсатмалари;

- Паллиатив (симптоматик) амалиёт, паллиатив кимётерапия, таргет даволаш, нур терапия ва даволаш бошқа турларини ўтказиш;
- Лимфа тугунининг/экстранодал ҳосиладан бирламчи ёки такрорий биопсиясини ўтказиш ёки трепанобиопсия;
- Амбулатория терапияси билан тузатилмаган асоратларни даволаш;
- Симптоматик даволаш ўтказиш.

2) Паллиатив ёрдам кўрсатиш учун касалхонага ётқизиш шарт-шароитлари.

- Паллиатив кимётерапия, таргет даво, нур терапия ва даволаш бошқа турларини (паллиатив ёки симптоматик жарроҳлик давоси) ўтказиш муддатининг келиши;
- Ҳаёт учун хавф солувчи ҳолатларнинг бўлиши;

3. Диагностика мезонлари (синдромнинг ишончли белгиларининг тавсифи):

Шикоятлари ва анамнез:

Тери базал ҳужайрали саратони:

Юзаги шакли чекланган, қипиқланувчи, қизғиш доғ пайдо бўлиши билан бошланади. Кейинчалик доғ аниқ чегараларга эга бўлиб, ўчоқнинг четларида майда, зич, ялтирақ тугунчалар пайдо бўлади. Бу тугунчалар бирлашиб, тери сатҳидан баландроқ бўлган валиксимон чегара ҳосил қилади. Оғриқ ўчоқлари ягона ёки кўп сонли бўлиши мумкин. Юзаги шакллари ичида ўз-ўзидан чантиқланувчи ёки Педжетоид базалиома ажратилади.

Пигментли шакл қўнғир ёки қора-жигарранг тусли, бир хил бўлмаган пигментацияга эга бўлиб, унда ярим шаффоф, "перламутрсимон" участкалар ва юзаги телеангиэктазиялар кузатилади. Ушбу шакл тугун ёки бляшка кўринишида

бўлиб, меланоцитар невуслар (мураккаб ёки дерма ичидаги невуслар)га ўхшаши мумкин. Тугунли меланома ҳам клиник жиҳатдан базалиомани эслатиши мумкин, лекин базалиома зичроқ консистенцияга эга. Яраланиб кетган пигментли базалиома эса меланома билан адаштирилиши мумкин, шунинг учун морфологик тадқиқотлар аниқ ташҳис қўйишда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, базалиома асосан юзда жойлашган бўлса, меланома теридаги исталган жойда пайдо бўлиши мумкин.

Ўсма шакли тугунчадан бошланади, у асталик билан катталашиб боради. Ўсманинг сатҳи силлик, телеангиэктазиялар аниқ кўринади, баъзан кулранг пушти пўст билан қопланган бўлиши мумкин. Баъзида марказий қисми яраланиб, зич қобиклар билан қопланади. Ўлчамига қараб, майда ва йирик тугунли базалиома шакллари ажратилади.

Ярали шакл учун воронкасимон яра ва атрофда зич, куйидаги тўқималар билан спайка ҳосил қилган инфилтрат хос бўлиб, унинг чегаралари аниқ эмас ва жараҳат ўлчамидан каттароқ бўлади.

Склеродермасимон (чандик-атрофик) шакл аниқ чегараланган, кичик ўчоқ билан характерланади. Бу шакл инфилтратив ўсиш ва бўлакли тўқима (строма) ривожланиши билан тавсифланади. Секин ўсади. Оғриқ ўчоғи оқарган, склерозланган тери участкаларидан иборат бўлиб, атрофида “перламутрсимон” папулалар, марказида эса телеангиэктазиялар кузатилади.

Пинкус фиброэпителиал ўсмаси базалиома турларидан бири ҳисобланса-да, анча хавфсизроқ кечади. Клиник жиҳатдан тери рангидаги узел ёки бляшка кўринишида бўлиб, зич-эластик консистенцияга эга, эрозияга деярли учрамайди. Катта теридан чиқиб турган ўсма ёки фибромани эслатиши мумкин. секин ўсади, асосан бел ва қориннинг пастки қисмида жойлашади.

Ясси ҳужайрали тери саратони:

Юзаки шакли – тери саратонининг энг кўп учрайдиган варианты. У бир ёки бир неча бирлашувчи, оғриқсиз тугунлар билан бошланади, уларнинг ўлчами ўт гугурт бошчасига тенг ёки бироз каттароқ бўлади. Тугун тери сатҳидан бироз баланд, зич консистенцияли, сарғиш ёки оппоқ-мампаранг тусда бўлади. Вақт ўтиши билан ўсма катталашиб, оғриқсиз, сарғиш ёки кулранг-оқ бляшка кўринишига эга бўлади, теридан бироз баланд, силлик ёки нотекис юзали бўлади. Четлари нотекис, чуқурликлари бор, зич валиксимон тузилишга эга. Кейинчалик бляшканинг марказий қисми чўкиб, тангача ёки қобик билан қопланган жараён ривожланади. Қобик олиб ташланса, қон томчиси пайдо бўлади. Ўсманинг катталашиши билан чўкиш жараёни эрозияланган юзага айланади, зич ва нотекис четлар эса баланд, текис кесилган валиксимон тузилма ҳосил қилади.

Инфилтратив шакли чуқур яраниб кетган, нотекис, думалоқ, некроз массалари билан қопланган тубига эга ва зич валиксимон четлардан ташкил топган.

Ўсма тезда атроф тўқималарга ўтган ҳолда ўсади ва ҳаракатсиз бўлиб қолади. Гистологик жиҳатдан бу шакл кўпинча ясси ҳужайрали саратон сифатида таснифланади. Папилляр шакли кам учрайди. Зич, тери сатҳидан баланд, осон қон кетадиган, кенг асосда жойлашган тугун кўринишида бўлади. Юзаси ноҳамвор, қобиклар билан қопланган, кўпинча гулқарамсимон тузилишга ўхшаш.

Метатипик саратон одатда ярали ўсма ўчоғи кўринишида бўлиб, 95% ҳолатда 1-3 см диаметрида бўлади. Яра нотекис шаклда, четлари нотекис, букилиб ёки тагидан юлиб тушгандек кўринади. Яра туби нотекис, ёрқин қизил юзага эга бўлиб, некротик массалар билан қопланган.

Физикал кўрик:

- Бемор биринчи марта тери янги ҳосиласи бўйича шикоят билан мурожаат қилганда, кўрик зонасини кенгайтириш ва барча тери қопламларининг ҳолатини баҳолаш (шу жумладан, сочли бош қисми ва оёқ тагини) қатъий тавсия этилади [24] (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/34902824/>).

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси - В (далилларнинг ишончлилик даражаси - IIa)

Изоҳлар: *Бирламчи-кўп сонли синхрон тери ўсмалари ва тери ўсма олди касалликлари беморларнинг 5-10% ида аниқланиши мумкин. Шунингдек, номеланома тери ўсмалари билан касалланган беморларда тери меланомаси ривожланиш хавфи юқори бўлади. [24].*

- Эпилюминисцент микроскопия (дерматоскопия) ва оптик когерент томографиядан фойдаланиш тавсия этилади, чунки бу усуллар ноинвазив ташҳис қўйиш аниқлигини сезиларли даражада ошириши ва биопсияга бўлган эҳтиёжни камайтириши мумкин. Бироқ, бу усуллар фақат ушбу методика бўйича махсус ўқитилган мутахассислар томонидан қўлланилиши мумкин. [25] (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/26734867/>).

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси - В (далилларнинг ишончлилик даражаси - IIb)

- Регионар лимфа тугунлар ҳолатини баҳолаш тавсия этилади [24].

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси - В (далилларнинг ишончлилик даражаси - IIb)

- Қабул жараёнида шикоятлар, анамнез ва физик текширув натижалари таҳлилига асосланиб, янги ҳосиланинг инвазив ташҳиси (биопсия) мақсадга мувофиқлигини аниқлаш тавсия этилади. [26] (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/27160235/>).

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси - А (далилларнинг ишончлилик

даражаси - Ia)

Лаборатор текширувлар:

• Морфологик тасдиқдан олдин лаборатор ташҳис тавсия этилмайди, фақат интеркуррент патология ёки беморнинг умумий ҳолати биопсиянинг хавфсиз ўтказилишини таъминлаш учун зарур бўлган ҳоллар бундан мустасно. Ташҳис тасдиқланганидан сўнг қуйидаги текширувларни ўтказиш тавсия этилади: Клиник қон таҳлили, биохимик қон таҳлили (Шунингдек, Жадвал 28 га қаранг). [26] (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/27160235/>).

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси - B (далилларнинг ишончлилик даражаси - III)

Инструменталь текширувлар:

Агар тегишли кўрсатмалар (симптомлар) мавжуд бўлса, ташҳис чора-тадбирлари (шу жумладан, нур ташҳиси) касаллик босқичидан қатъи назар тўлиқ ҳажмда ўтказилиши лозим. Агар симптомлар мавжуд бўлмаса, Базал ҳужайрали саратон (БҲС)нинг регионар ва узоқ метастазлар бериш эҳтимоли пастлиги, шунингдек, ясси ҳужайрали саратон (ЯҲС)да регионар метастазлар учраш эҳтимоли бироз юқорироқ эканлиги инобатга олиниб, яширин метастазларни аниқлаш мақсадида ташҳис тестлари турли ҳажмда ўтказилиши тавсия этилади. Бу ҳажм касаллик босқичи (клиник кўрик ва гистологик хулоса асосида белгиланган) га боғлиқ ҳолда танланади.

Биопсия натижаларига асосланиб, тери саратони ташҳиси тасдиқланган ҳолларда тавсия этилган ташҳис чора-тадбирлари 29-жадвалда келтирилган. [24, 26]

(<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/34902824/>).

29-жадвал. Тери ўсмаси биопсияси натижалари ва клиник кўриқка асосан текширув режаси

Касаллик босқичи	Физикал кўрик	Инструментал текширувлар
0, I, II	Ҳа	<ul style="list-style-type: none">• Регионар лимфа тугунлар УТТси• Нур диагностика тавсия этилмайди, агар симптомлар бўлмаса
III ва IV	Ҳа	<ul style="list-style-type: none">• Регионар лимфа тугунлар УТТси• Тўла кўламда нур диагностика

- Морфологик тасдиқдан олдин инструментал ташҳис тавсия этилмайди, фақат интеркуррент патология ёки беморнинг умумий ҳолати биопсияни хавфсиз ўтказиш учун зарур бўлган ҳоллар бундан мустасно. [24, 26].

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси – С (далилларнинг ишончлилик даражаси - IV)

Изоҳ: Биопсия натижалари олинмагунча даволаш ва текширув режасини тузиш тавсия этилмайди.

- Кўкрак қафаси, қорин бўшлиғи ва кичик чаноқ аъзолари ҳолатини баҳолаш учун тавсия этилган оптимал нур ташҳис ҳажми – кўкрак қафаси, қорин бўшлиғи ва кичик чаноқ аъзоларининг компьютер томографиясидир (КТ). Венадан контраст модда юбориш барча ҳолларда тавсия этилади, фақат йод сақловчи контраст моддалар юборишга қарши кўрсатмалар мавжуд бўлмаган тақдирда. Агар бундай қарши кўрсатмалар аниқланса, вена ичида контрастлаш билан КТ ўрнига магнит-резонанс томография (МРТ) қўллаш мумкин. Ўпкаларда метастатик зарарланишни истисно этиш ёки унинг динамикасини баҳолаш учун вена ичида контрастлаш талаб қилинмайди. Алтернатив ташҳис усули – ФДГ билан ПЭТ-КТ (бутун тана режимида) бўлиши мумкин. [27] (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/30959471/>).

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси - В (далилларнинг ишончлилик даражаси - IIa)

- Агар оптимал нур ташҳиси ташҳис қўйилгандан кейинги 2 ҳафта ичида ўтказиб бўлмаса, қуйидаги альтернатив усуллар тавсия этилади: Кўкрак қафаси аъзоларининг КТ ўрнига – кўкрак қафаси рентгенографияси, қорин ва кичик чаноқ аъзоларининг КТ (вена ичи контраст билан) ўрнига – УТТ (ультратовуш текшируви)

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси - С (далилларнинг ишончлилик даражаси - IV)

- Катта бирламчи ўсмалар, сўяк тўқималарининг зарарланиши ёки периневрал инвазия белгилари мавжуд бўлганда, ўсма тарқалишини баҳолаш учун магнит-резонанс томография (МРТ) тавсия этилади, ва КТга нисбатан афзалроқ усул ҳисобланади. [24].

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси - В (далилларнинг ишончлилик даражаси - IIa)

- Агар КТ ёки МРТ маълумотларига асосан метастазларга шубҳа пайдо бўлса, ва уларнинг тасдиқланиши даволаш тактикасига жиддий таъсир кўрсатса, УТТ ёки КТ назорати остида биопсия ўтказиш тавсия этилади.

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси - С (далилларнинг ишончлилик даражаси - IV)

Биопсия

• Ташҳисни тасдиқлаш, шунингдек, кейинги текширув ва даволаш режасини белгилаш учун биринчи босқичда шубҳали тери ўсмасини эксцизион биопсия қилиш мумкин. Бунда четга чекиниш 5 мм дан ошмаслиги керак (1-3 мм (0,1 – 0,3 см) чекиниш қабул қилиниши мумкин). Ҳар доим тери тўқимасининг тўлиқ қалинлигини қамраб олувчи биопсияга афзаллик бериш лозим, масалан: эллиптик эксцизия, инцизион панч-биопсия. Бу усуллар ясси (бритвали) резекцияга нисбатан мақбулроқ ҳисобланади, шу жумладан, экзофит ўсмалар учун ҳам. [24, 26] (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/34902824/>).

Тавсияларнинг ишончлилиқ даражаси - В (далилларнинг ишончлилиқ даражаси - IIa)

• Хирургик йўл билан олиб ташланган ўсма тўқимасининг гистологик текшируви тавсия этилади, ва морфологик хулосада қуйидаги параметрларни акс эттириш лозим [24, 26]:

1. Тери саратонининг гистологик турини ЖССТ (ВОЗ) 2018 йилги халқаро тери ўсмалари таснифига мувофиқ аниқлаш;
2. Дифференцияланиш даражасини кўрсатиш;
3. Бреслоу бўйича ўсма максимал қалинлигини (мм) аниқлаш;
4. Кларк бўйича инвазия даражасини белгилаш;
5. Ўсма тугунининг радиал ва вертикал ўлчамларини кўрсатиш;
6. Резекциянинг периферик ва чуқур чегараларини баҳолаш ва уларда ўсма ҳужайраларининг мавжудлигини аниқлаш.
7. Периневрал инвазия;
8. Десмоплазия;
9. Ангиолимфатик инвазия.

Тавсияларнинг ишончлилиқ даражаси - А (далилларнинг ишончлилиқ даражаси – Ia)

4. Паллиатив тиббий ёрдамнинг мақсадлари:

- ✓ Оғриқ, қон кетиш, механик ва паренхиматоз сариқлик, портал гипертензия ва бошқа оғриқли аломатларнинг олдини олиш ва йўқ қилиш, беморнинг азобини енгиллаштириш;
- ✓ Саратон касаллигининг ривожланишини секинлаштириш ва беморнинг умрини узайтириш;
- ✓ Бемор ҳаёти фаровонлигини ошириш ҳаёт сифатини яхшилаш;


- ✓ Психологик, ижтимоий, маънавий қўллаб-қувватлаш, психосоматик томонидан қўллаб-қувватлаш;
- ✓ Ўсмага қарши даволашнинг ножўя таъсирини енгиш учун;

5. Паллиатив тиббий ёрдам кўрсатиш тактикаси:

- ўсма ўқоғи ва метастазларни кичрайтириш;
- ўсма жараёни қисман регрессияси ёки стабилизациясига эришиш;
- ҳаёт сифатини яхшилаш;
- ҳаёт давомийлигини узайтириш.

1) Беморни кузатиш картаси ва маршрутизацияси:

2-схема – Тери саратонида диагностик алгоритм.



2) Паллиатив номедикаментоз даволаш (<https://oncology-association.ru/wp-content/uploads/2023/03/nacziionalnoe-rukovodstvo-po-palliativnoj-mediczineczitirovanie-.pdf>):

Консерватив даволаш вақтида бемор режими – умумий.

Операциядан кейинги дастлабки даврда – ётоқ ёки ярим ётоқ режими (операция ҳажми ва ҳамроҳ касалликларга боғлиқ ҳолда).

Кейинги операциядан кейинги даврда – палатали режим.

Диета:

№15 стол (ёки ҳамроҳ касалликка қараб бошқа парҳез).

Хирургик даволашдан кейин – №15 стол (ёки ҳамроҳ касалликка қараб бошқа парҳез).

Паллиатив нур терапия

Паллиатив нур терапияга кўрсатмалар:

Метастатик бош мия шикастланишларида паллиатив мақсадда нур терапиясини

ўтказиш. Паллатив нур терапияси шунингдек, бош миянинг кўплаб шикастланишларида ёки "симптоматик" суяклар, юмшоқ тўқималар ва лимфа тугунларининг зарарланишида ҳам тайинланиши мумкин.

Нур терапия турлари:

- Дистанцион нур терапия;
- 3D-конформ нурлантириш;
- интенсивлиги бўйича модулирланган нур терапия (IMRT).
- томоапаратларда томотерапия; томотерапияда РОД<2,5 Гр бўлганда кифофракциялашга урғу берилади.
